

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

1-2-сон  
(81-82)  
2024 йил

*«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.*

*В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2018 года № ПП–3666 «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.*

## МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

### КЎП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — МНОГОСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Туркий давлатлар ташкилотининг Туркий Инвестиция Жамғармасини таъсис этиш тўғрисида Битим (Анқара, 2023 йил 16 март) .....	4
Меморандум об обязательствах Республики Беларусь в целях получения статуса государства-члена Шанхайской организации сотрудничества (Нью-Дели, 4 июля 2023 года) .....	22

### ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳу-

кумати ўртасида 1997 йил 18 июндаги Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Озарбайжон Республикаси Хукумати ўртасида Ўз- бекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси фуқарола- рининг визасиз сафар қилишлари тўғрисидаги битимга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Баённома (Боку, 2023 йил 22 август) .....	31
Протокол Между Правительством Республики Узбекистан и Прави- тельством Азербайджанской Республики о внесении дополнений и изменений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Азербайджанской Республики о безвизовых поездках граждан Республики Узбекистан и Азербайд- жанской Республики от 18 июня 1997 года (Баку, 22 августа 2023 года) .....	35
Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (Бишкек, 2023 йил 27 январь) .....	39
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Кабинетом Министров Кыргызской Республики о сотрудничестве в област- ти предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций (Бишкек, 27 января 2023 года) .....	48
Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Швейцария Федерал Кен- гаши ўртасида 2002 йил 3 апрелда имзоланган йўловчилар ҳамда юкларни автомобилда халқаро ташиш тўғрисидаги битимга ва уни қўллаш тартиби тўғрисидаги баённомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида Баённома (Тошкент, 2023 йил 23 июнь) .....	57
Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Қатар Давлати Хукумати ўр- тасидаги даромад солиқлари бўйича иккиёқлама солиққа тортиш- ни бартараф қилиш ҳамда солиқларни тўлашдан бош тортиш ва бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисидаги Битим (Самарқанд, 2023 йил 6 июнь) .....	59
Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Қозоғистон Республикаси Хукумати ўртасида 2000 йил 7 июлда имзоланган Ўзбекистон Рес- публикаси Хукумати билан Қозоғистон Республикаси Хукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисида- ги битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақида Баённома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) .....	82
Протокол между Правительством Республики Узбекистан и Правитель- ством Республики Казахстан о внесении изменений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан об условиях взаимных поездок граждан от 7 июля 2000 года (Ташкент, 22 декабря 2022 года) .....	85

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Чехия Республикаси Ҳукумати ўртасида шахсларнинг реадмиссияси ва транзити тўғрисидаги битимнинг ижро баённомаси Баённома (2023 йил 11 октябрь, Прага) .....	88
Протокол между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Чешской Республики протокол по реализации о реадмиссии и транзите лиц (Прага, 11 октября 2023 г.) .....	92
Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) .....	96
Договор между Республикой Узбекистан и Республикой Казахстан о союзнических отношениях (Ташкент, 22 декабря 2022 года) .....	105
Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома (Ханой, 2022 йил 14 ноябрь) .....	114

## КЎП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — МНОГОСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

### Туркий давлатлар ташкилотининг Туркий Инвестиция Жамғармасини таъсис этиш тўғрисида БИТИМ

*Анқара, 2023 йил 16 март*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 24 февралдан  
кучга кирган)*

Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Туркия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси («Таъсисчи аъзолар») 2009 йил 3 октябрдаги Нахичеван битими билан тузилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг (кейинги ўринларда 2021 йил 12 ноябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Давлат раҳбарлари кенгаши қарори асосида ташкил этилган «Туркий давлатлар ташкилоти» деб юритилади) аъзоси сифатида қуйидаги қоидалар билан тартибга солинадиган Туркий Инвестиция Жамғармасини ташкил этишга келишиб олдилар:

#### **1-БОБ. ТАЪРИФЛАР**

##### **1-модда. Таърифлар**

Ушбу Битимда қўлланилган ҳар бир жойда қуйидаги атамалар, агар контекст бошқача кўрсатмаса ёки талаб қилмаса, қуйидаги маъноларга эга бўлади:

а) «Қўшимча бадал» Жамғарма маблағларига 5-модданинг В бўлимига мувофиқ шартлар ва қоидалари асосида Бошқарувчилар кенгашининг қарорига биноан аъзолар томонидан киритиладиган қўшимча бадалларни англатади.

б) «Бенефициар» лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи ва бевосита Жамғарма томонидан молиялаштириладиган жисмоний ёки юридик шахс.

с) «Календарь йили» Григорий календарига асосланган 1 январдан 31 декабргача бўлган йил даврини англатади.

д) «Марказий банк» давлатнинг валюта ва пул-кредит сиёсатини ёки расмий валюта иттифоқини бошқарувчи муассасани англатади.

е) «Жамғарма» ушбу Битим билан таъсис этилган Туркий Инвестиция Жамғармасини англатади.

ф) «Бошқарувчи» ушбу Битимнинг 9-моддасига мувофиқ тузилган Жамғарма Бошқарувчилар кенгашининг ҳар бир аъзоси тушунилади.

г) «Аъзо(лар)» Таъсисчи Аъзолар, бошқа ТДТ иштирокчи-давлатлари ҳамда ушбу Битимнинг 4-моддасида назарда тутилган аъзолик тартиб-қои-

далари орқали Жамғарма иштирокчиларига айланган учинчи давлатларни англатади.

h) «Микро, кичик ва ўрта корхоналар» тегишли лойиҳа амалга оширилиши керак бўлган давлатнинг миллий қонунчилигида белгиланган микро, кичик ва ўрта корхоналарни англатади.

i) «Ходимлар» Жамғарма томонидан ишга қабул қилинган профессионал ва/ёки маъмурий ходимлар тушунилади. Президент, Бошқарувчилар, Бошқарувчиларнинг ўринбосарлари, Директорлар, Директорларнинг ўринбосарлари ҳамда Бош Директор ходим сифатида ҳисобга олинмайди.

j) «Давлат» ушбу Битимнинг 4-моддасига мувофиқ Жамғармага аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай аъзо-давлатини англатади.

к) «ТДТ» Туркий Давлатлар Ташкилотини англатади.

l) «ТДТ иштирокчи-давлат(лар)и» Жамғармага аъзо ва/ёки кузатувчи давлатларни англатади.

## **2-БОБ. МАҚСАД, ВАЗИФАЛАР, ВАКОЛАТЛАР ВА АЪЗОЛИК**

### **2-модда. Мақсад**

Жамғарманинг мақсади минтақалараро савдони кенгайтириш ва иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш орқали ТДТ иштирокчи-давлатларининг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшишдан иборат.

3-модда. Вазифалар ва ваколатлар

Жамғарма ўз мақсадини амалга ошириш учун инвестиция фаолияти орқали қуйидаги вазифалар ва ваколатларга эга:

а) минтақалараро савдони ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) микро, кичик ва ўрта корхоналар лойиҳаларини молиялаштириш;

с) халқаро ва миллий молия ва ривожланиш институтлари, савдо-саноат палаталари ва хусусий шахслар билан ҳамкорлик қилиш ва биргаликда молиялаштириш;

д) транспорт ва логистика занжирларини, сақлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;

е) жисмоний ва рақамли инфратузилмани яратиш ва модернизация қилишни, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш;

ф) жумладан саноат ишлаб чиқариши, инфратузилма, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ахборот-коммуникация технологиялари ва туризмни ўз ичига олган ўзаро манфаатли соҳалардаги ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

г) энергия самарадорлиги, қайта тикланадиган энергия манбалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга сармоя киритиш орқали яшил иқтисодиётга ҳисса қўшадиган лойиҳаларни молиялаштириш;

h) зарур деб топилган ҳолда инвестиция лойиҳаларини тайёрлашга ёрдам ва молиявий кўмак кўрсатиш;

и) ўз мақсадига эришишни тарғиб қилиши мумкин бўлган бошқа фаолиятни амалга ошириш ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

**4-модда. Аъзолик**

Таъсисчи аъзолар бўлмаган ТДТ иштирокчи-давлатлари ушбу Битимга қўшилиш орқали Жамғарманинг аъзоси бўлишлари мумкин.

Бошқа давлатлар 38-моддага мувофиқ Бошқарувчилар кенгаши томонидан белгиланадиган шартлар асосида Жамғармага аъзо бўлишлари мумкин.

**3-боб. МОЛИЯ РЕСУРСЛАРИ****5-модда. Жамғарма маблағлари**

Ушбу Битимда фойдаланилганда, Жамғарманинг «Ресурслари» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) Жамғарманинг устав капитали;
- б) Қўшимча бадаллар;

**А. Капитал фонди ва обуна**

Жамғарманинг устав капитали фонди беш юз миллион АҚШ долларини (500 000 000,00 АҚШ доллари) ташкил этади. Устав капитали фонди ҳар бирининг номинал қиймати эллик минг АҚШ доллари (50 000 АҚШ доллари) бўлган ўн минг (10 000) та акцияга бўлинади.

Устав капитали фонди тўланган акциялар ва чақирув ҳуқуқига эга бўлган акцияларга бўлинади. Уч юз эллик миллион доллар (350,000,000 АҚШ доллари) жами номинал қийматига эга бўлган акциялар тўланган ва бир юз эллик миллион доллар (150,000,000 АҚШ доллари) жами номинал қийматига эга бўлган акциялар чақирув ҳуқуқига эга бўлган акциялар ҳисобланади.

Ушбу Битим имзолангандан сўнг Таъсисчи аъзолар Жамғарманинг устав капитали улушларига 1-иловада\* кўрсатилган жадвалга мувофиқ тенг равишда обуна бўладилар.

Ҳар бир Аъзо ўзининг тўланган акциялари билан боғлиқ дастлабки тўловни биринчи йиғилишдан кейин 90 кун ичида 2-иловага\* мувофиқ («Дастлабки тўлов») тўлайди. Бундай маблағлар Жамғарма ҳисобварағига ўтказилади. Қолган обуна миқдори 3 (уч) йиллик тўловларда, дастлабки тўлов санасининг кейинги ҳар бир йиллиги бўйича 2-жадвалига мувофиқ тўланади. Тўловлар АҚШ долларида амалга оширилади. Ушбу Битим бўйича тўловларни бажармаслик Жамғарма олдидаги мажбуриятнинг бажарилмаслиги деб ҳисобланади ва ушбу Битимнинг 23-моддасида назарда тутилган ҳолда амалга оширилади.

Чақирув ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг тўланиши охириги тўловни тўлаш санасидан олдин талаб қилинмайди.

Ушбу Битим кучга киргандан кейин ҳар қандай аъзо қўшилган тақдирда, янги аъзо камида битта Таъсисчи аъзо акцияларини сонига тенг миқдорда обуна бўлиши керак. Юқоридагилардан қатъи назар, ҳар қандай янги аъзо Таъсисчи аъзодан кўра кўпроқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## **Б. Қўшимча Бадаллар**

Жамғарма фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Бошқарувчилар кенгаши вақти-вақти билан, ўзи зарур деб ҳисоблаган вақт оралиғида Жамғармада мавжуд бўлган маблағларнинг етарлилигини кўриб чиқади.

Агар Бошқарувчилар кенгаши бундай кўриб чиқиш натижасида зарур ёки керакли деб топса, у аъзоларни Жамғарма ресурсларига қўшимча бадаллар киритиши ҳақида қарор қилиши мумкин.

### **6-модда. Капитал фонди ва жавобгарликни чеклаш билан боғлиқ шартлар**

Жамғарманинг акциялари ҳеч қандай тарзда бириктирилмайди, гаровга қўйилмайди ёки юкланмайди ва улар ушбу Битимнинг VII ва VIII-бобларига мувофиқ Жамғармадан ташқари ўтказилмайди.

Аъзонинг акциялар бўйича жавобгарлиги унинг капитал обунасининг тўланмаган қисми билан чекланади.

Ҳеч бир аъзо, фақат аъзолиги сабабли, Жамғарманинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

## **4-боб. ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ**

### **7-модда. Таркиб**

Жамғармада Жамғарма Президенти, Бошқарувчилар кенгаши, Директорлар кенгаши, Бош директори ва ходимлар мавжуд.

### **8-модда. Жамғарманинг Президенти**

Жамғармада Бошқарувчилар кенгаши томонидан тўрт (4) йил муддатга ротация асосда узайтирилмасдан ва қайта тайинланмасдан тайинладиган Жамғарма Президенти бўлади. Бироқ, Бошқарувчилар кенгаши қарори билан Президент ўз вазифасини бажаришни тўхтатади.

Ротация Бошқарувчилар кенгаши томонидан белгиланади ва унга Жамғарманинг биринчи Президенти ҳам киради.

Жамғарманинг биринчи Президенти ТДТ Давлат раҳбарлари кенгаши томонидан узайтирилмасдан ва қайта тайинланмасдан 4 йил муддатга тайинланади.

Президент Директорлар кенгаши Раиси ҳисобланади, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Президент лавозимиغا иккинчи Президентдан бошлаб қуйидаги талаблар қўйилади:

а) иқтисодий, инвестиция ва молиявий масалаларда камида ўн беш (15) йил тажрибага ёки ўн (10) йил бошқарувчи даражасида юқори даражадаги тажрибага ёки халқаро молия ташкилотларида ўн (10) йиллик тажрибага эга бўлиш;

б) англиз тилини билиш.  
Президент куйидагиларга жавобгар бўлади;  
Директорлар кенгаши мажлисларида раислик қилиш;  
Бошқарувчилар кенгаши қарорларини бажариш;  
халқаро майдонда Жамғарманинг вакили бўлиш;  
аъзо давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан мулоқот қилиш;  
Жамғармани биргаликда молиялаштириш ва ресурсларни сафарбар қилиш имкониятларини излаш;  
Жамғармага бадалларни жалб қилиш бўйича иш олиб бориш;  
халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик механизмларини осонлаштириш.  
Президент Жамғарма маблағлари ҳисобидан хизмат қилади, мукофот эса Бошқарувчилар кенгаши томонидан белгиланади.

### **9-модда. Бошқарувчилар кенгаши**

Бошқарувчилар кенгаши Жамғарманинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

#### **А. Таркиб**

Ҳар бир аъзо Бошқарувчилар кенгашида вакиллик қилади ва бошланғич тўловни амалга оширгандан сўнг битта Бошқарувчи ва битта Бошқарувчи ўринбосари тайинлайди. Бошқарувчилар ва бошқарувчи ўринбосарлари ТДТ иштирокчи-давлатларининг фуқаролари бўлишади.

Бошқарувчилар кенгашининг ҳар бир Бошқарувчиси ва Бошқарувчилар кенгашининг ҳар бир Бошқарувчи ўринбосари тайинлаган аъзонинг кўрсатмаларига мувофиқ ишлайди. Бошқарувчилар кенгашининг Бошқарувчи ўринбосаридан бирортаси овоз беришда иштирок эта олмайди, ўша аъзо томонидан тайинланган Бошқарувчилар кенгаши Бошқарувчиси йўқ бўлган ҳолатдан мустасно.

Бошқарувчилар кенгаши ўзининг ҳар бир йиллик йиғилишида кейинги раис сайлангунга қадар ўз вазифасини бажарувчи бошқарувчилардан бирини раис этиб сайлайди.

Бошқарувчилар кенгашида (i) ўлим, (ii) жисмоний қобилятсизлик, (iii) меҳнатга лаёқатсизлик ёки руҳий касаллик ёки (iv) истеъфога чиқиш ёки ишдан бўшатиш натижасида юзага келган ҳар қандай бўш ўрин бўлган тақдирда (Бошқарувчилар фақат уларни тайинлаган аъзо томонидан ишдан бўшатилиши мумкин), бундай бўш ўринга сабаб бўлган Бошқарувчини тайинлаган аъзо янги Бошқарувчини ва/ёки Бошқарувчи ўринбосари тайинлайди.

Бошқарувчилар ва Бошқарувчиларнинг ўринбосарлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланмасдан ишлайдилар, бироқ уларнинг чўнтагидан ташқари харажатлари (турар жой ва йўлкира) ва кунлик харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.



**Б. Бошқарувчилар кенгашининг ваколатлари**

Бошқарувчилар кенгаши Жамғарма билан боғлиқ барча масалаларда аъзоларнинг манфаатларини ифодалайди.

Бошқарувчилар кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

а) Жамғармага янги аъзоларни қабул қилишга рухсат беради ва уларни капиталга обуна бўлиш шартларини белгилайди;

б) Жамғармага қўшимча бадалларни киритишга рухсат беради, шартлар ва тартиботларни тасдиқлайди;

с) Устав капиталини ўзгартиради, чақириладиган капитални тўлашни талаб қилади ва зарур деб топилган капитални тўлаш шартларини белгилайди;

д) Директорлар кенгашини тузади;

е) Директорлар кенгашининг йиллик ҳисоботларини, аудиторлик ҳисоботларини, бухгалтерия балансини ва Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

ф) аъзолар фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади;

г) иштирокчи Жамғармадан чиққан тақдирда уни активларини қайтариш мақсадида Жамғарма аъзоларнинг улушини белгилайди;

ҳ) Жамғарма фаолиятини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилади;

и) Жамғарма фаолиятини тугатиш ва унинг активларини тақсимлаш тартиби, муддатлари ва шартларини белгилайди ҳамда Жамғарма фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ж) ушбу Битимга ўзгартиришлар киритади;

к) Бош Директорни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

л) Жамғарма ҳисобларини текшириш, бухгалтерия баланси ва Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш учун ташқи аудиторларни танлайди;

м) ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича Директорлар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар устидан шикоятларни ҳал қилади.

Бошқарувчилар кенгаши яқдиллик билан қабул қилинган қарорга кўра, Директорлар кенгашига ўзининг барча ваколатларини топшириши мумкин, қуйидагилардан ташқари:

а) Жамғармага янги аъзоларни қабул қилишга рухсат бериш ва уларни капиталга обуна бўлиш шартларини белгилаш;

б) устав капиталини ўзгартириш, чақириладиган капитални тўлашни талаб қилиш ва зарур деб топилган капитални тўлаш шартларини белгилаш;

с) аъзоларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) Жамғарма фаолиятини тугатиш ва унинг активларини тақсимлаш тартиби, муддатлари ва шартларини белгилаш ҳамда Жамғарма фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

е) ушбу Битимга ўзгартиришлар киритиш;

Бошқарувчилар кенгаши исталган вақтда ҳар қандай масалани Директорлар кенгашига топширишни бекор қилиши мумкин.

### С. Учрашувлар, тартибот ва овоз бериш

Бошқарувчилар кенгаши йиллик йиғилиш ўтказади ва Бошқарувчилар кенгаши томонидан ёки икки Директорлар кенгашининг аъзолари тавсиясига биноан навбатдан ташқари йиғилишларга чақирилиши мумкин. Бошқарувчилар кенгаши ўз вазифаларини ва мажбуриятларини қисқа муддатда ва тезкорлик билан бажаришга имкон берадиган иш услубларини қабул қилиши керак.

Ҳар бир аъзонинг овоз бериш ҳуқуқи, агар ушбу Битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, унинг Жамғарма капиталидаги обуна бўлган улушлари сонига тенг бўлади.

Бошқарувчиларнинг учдан икки қисми Бошқарувчилар кенгашининг ҳар қандай мажлиси учун кворумни ташкил этади, агар бундай кўпчилик камида учта таъсисчи аъзони ўз ичига олса.

Бошқарувчилар кенгашининг қарорлари, агар ушбу Битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, овоз бериш ҳуқуқининг камида тўртдан уч қисмини талаб қилади, агар бундай кўпчилик камида тўртта Таъсисчи аъзонинг ижобий овозларини ўз ичига олган бўлса.

Бошқарувчилар кенгашининг қуйидаги қарорлари барча Таъсисчи аъзоларнинг ижобий овозини талаб қилади:

- а) Жамғармага янги аъзоларни қабул қилишга рухсат бериш ва уларни капиталга обуна бўлиш шартларини белгилаш;
- б) устав капиталини ўзгартириш, чақириладиган капитални тўлашни талаб қилиш ва зарур деб топилган капитални тўлаш шартларини белгилаш;
- с) ушбу Битимга ўзгартиришлар киритиш.

## 10-модда. Директорлар кенгаши

### А. Таркиб

Директорлар кенгаши ҳар бир аъзодан ва Жамғарма инвесторидан биттадан (1) директордан иборат бўлади.

Директорлар Бошқарувчилар кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас ва қуйидаги малакаларга эга бўлиши зарур:

- а) бакалаврият битирувчилари;
- б) иқтисодий, инвестиция ва молиявий масалаларда камида 10 йиллик иш тажрибасига эга ёки камида директорлик даражасида 5 йиллик юқори иш тажрибаси бўлган ва/ёки халқаро молия ташкилотларида 5 йил иш тажрибасига эга;
- с) тайинланган пайтда ўттиз беш (35) ёшдан кичик бўлмаган ва олтмиш (60) ёшдан катта бўлмаган;
- д) инглиз тилини билувчи.

Бошқарувчилар кенгашининг ҳар бир Бошқарувчиси юқорида кўрсатилган талабларга эга бўлган Директор ва у бўлмаган тақдирда унинг ўрнига тўлиқ ваколатларга эга бўлган директор ўринбосарини тайинлайди. Директорлар ўринбосарлари Директорлар кенгаши йиғилишларида иштирок эти-

шлари мумкин, лекин улар ўз директорлари ўрнини босган тақдирдагина овоз беришлари мумкин.

Директорлар уч (3) йил муддатга ўз лавозимларини эгаллайдилар ва қайта тайинланиши мумкин. Директор ушбу моддага мувофиқ унинг вориси тайинланмагунча ўз вазифасини бажаради.

Директорлар ва директор ўринбосарлари Жамғарманинг штаб-квартираси жойлашган жойда доимий яшашлари шарт эмас ва Жамғарманинг тўлиқ штатдаги ходимлари ҳисобланмайди, лекин уларнинг чўнтагидан ташқари харажатлари (турар жой ва йўлқира) ва улар иштирок этадиган ҳар бир Директорлар кенгаши йиғилиши учун кунлик харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади. Директорлар ва директор ўринбосарларига бошқа тўловлар амалга оширилмайди.

### **Б. Ваколатлар**

Директорлар кенгаши Жамғарманинг умумий фаолиятини йўналтириш учун жавобгардир ва шу мақсадда унга ушбу Битимда аниқ юкланган ваколатлардан ташқари, Бошқарувчилар кенгаши томонидан унга берилган барча ваколатларни амалга оширади; ва хусусан қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- a) Жамғарма фаолиятига доир сиёсатни белгилайди;
- b) ушбу Битим бўйича Жамғарма томонидан тақдим этиладиган молиялаштириш масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;
- c) Бошқарувчилар кенгашининг умумий йўналишларига мувофиқ Жамғарма фаолияти ва унинг фаолиятига доир қарорлар қабул қилади;
- d) ҳар бир молиявий йил учун йиллик ҳисоботларни тайёрлайди ва ҳар бир йиллик йиғилишда Бошқарувчилар кенгашининг тасдиқлашига тақдим этади;
- e) Жамғармага энг самарали ва тежамкор тарзда хизмат кўрсатишни таъминлайди;
- f) ушбу мақсадлар учун мавжуд бўлган ресурслар ва (ёки) бўш пул маблағларига мувофиқ Жамғарманинг бюджетини ва умумий молиялаштириш дастурини ва сиёсатини тасдиқлайди;
- g) Бош Директорни лавозимга тайинлайди ва уни озод этади;
- h) Бошқарувчилар кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишлари учун тавсиялар беради;
- i) Жамғарма фаолияти учун зарур деб ҳисоблайдиган қўмиталар тузади;
- j) ушбу Битимда Директорлар кенгашига аниқ юкланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **С. Учрашувлар, тартиб ва овоз бериш**

Директорлар кенгаши Жамғарма иши талаб қиладиган даражада тез-тез учрашади, лекин йилига камида икки марта. Директорлар кенгаши ўз вазифалари ва мажбуриятларини қисқа муддатда ва тезкорлик билан бажаришга имкон берадиган иш усулларини қабул қилиши керак.

Директорлар кенгашининг йиғилишлари Директорларнинг кўпчилиги

иштирокида ўтказилади ва қарорлар Директорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Бироқ, Директорлар кенгаши Жамғарманинг инвестиция сиёсати тамойилларини бир овоздан қарор билан тасдиқлайди.

### 11-модда. Бош Директор

Бош Директор ТДТ иштирокчи-давлатларидан бирининг фуқароси бўлиши керак. ТДТ иштирокчи-давлатлари Бошқарувчилари ротация асосида Бош Директор лавозимига номзодни таклиф қиладилар.

Бош Директор лавозимига қўйидаги талаблар қўйилади:

- a) тегишли йўналишлар бўйича магистратура битирувчилари;
- b) тайинланган пайтда 35 ёшдан кичик бўлмаган ва 60 ёшдан катта бўлмаган;
- c) иқтисодий, инвестиция ва молиявий масалаларда камида 15 йиллик иш тажрибасига эга ёки камида раҳбарлик даражасида 10 йиллик юқори иш тажрибаси бўлган ва/ёки халқаро молия ташкилотларида 10 йил ишлаган;
- d) инглиз тилини билиш.

Бош Директор Директорлар кенгашининг назорати остида бўлади.

Бош директор Директорлар кенгаши томонидан белгиланган йўриқнома-лар, тартиб ва қоидаларга мувофиқ Жамғарма фаолияти ва ишларини бошқариш бўйича тўлиқ ижро этувчи ваколатларга эга бўлади. Бош директор Директорлар кенгаши томонидан тасдиқланган режа, сиёсат ва бюджетга мувофиқ ходимларни лавозимга тайинлайди, лавозимини оширади ва лавозимидан озод қилади ва маблағларни тақсимлайди.

Жамғарма ходимларини тайинлашда самарадорлик ва техник малаканинг энг юқори стандартлари ҳамда ТДТ иштирокчи давлатлари аъзолари фуқароларидан мутаносиб географик тақсимот бўйича ходимларни ёллаш таъминланади.

Бош директор Директорлар кенгашига Директорлар кенгашининг розилиги билан ТДТ иштирокчи-давлатлари аъзолари ҳудудида жойлашган компаниялардан маслаҳат хизматларини ёллашни тавсия қилиши мумкин.

Бош Директор Директорлар кенгаши йиғилишларида қатнашади, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бош Директор:

- a) операцион ва маъмурий бюджетларни таклиф қилади;
- b) умумий молиялаштириш дастурини таклиф қилади;
- c) Жамғарма томонидан молиялаштириш учун лойиҳа ва дастурларни ўрганиш ва баҳолашни ташкил этади;
- d) тўғри ташкил этиш, ходимлар ва хизмат кўрсатишни таъминлаш ва назорат қилиш;
- e) техник маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилади;
- f) Директорлар кенгаши томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни бажариш.

Бош директор Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлайди, мукофот эса Директорлар кенгаши томонидан белгиланади.

## **12-модда. Жамғарманинг халқаро характери ва сиёсий фаолиятни тақиқлаш**

Жамғарма ўзининг мақсади ёки функцияларига бирон-бир тарзда зарар етказиши, чеклаши, чалғитиши ёки бошқача тарзда ўзгартириши мумкин бўлган ҳар қандай қўшимча ресурслар ёки ёрдамни қабул қилмайди.

Жамғарма, унинг Президенти, Бош Директор, Ходимлар ўз қарорларида фақат ушбу Битимда кўрсатилган Жамғарманинг мақсади, функциялари ва фаолиятига тегишли фикрларни ҳисобга олишлари керак. Жамғарманинг мақсади ва вазифаларига эришиш ва амалга ошириш учун бундай мулоҳазалар ҳолисона кўриб чиқилиши керак.

Президент, Бош Директор, Ходимлар ўз вазифаларини бажаришда ўз мажбуриятларини бутунлай Жамғарма мақсадларига боғлашлари керак ва бошқа ҳеч қандай ваколатга эга эмаслар.

Ҳар бир аъзо ушбу мажбуриятнинг халқаро ва сиёсий бўлмаган хусусиятини ҳурмат қилади ва ўз мажбуриятларини бажаришда уларнинг ҳар қандайга таъсир ўтказишга уринишлардан сақлайди.

## **13-модда. Штаб-квартира ва идоралар**

Жамғарма штаб-квартираси Истанбулда жойлашган.

Бошқарувчилар кенгаши ҳар қандай бошқа Аъзо давлат ҳудудида ваколатхоналар очиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Жамғарманинг штаб-квартираси жойлашган аъзо давлат тегишли шартлар, имтиёзлар ва иммунитетлар кўрсатилган Қабул қилувчи давлат шартномасини имзолайди.

## **14-модда. Молиявий йил**

Жамғарманинг молиявий йили Календарь йили ҳисобланади.

## **15-модда. Алоқа канали, депозитарийлар**

Ҳар бир аъзо Жамғарма ушбу Битим бўйича юзага келадиган ҳар қандай масала бўйича мулоқот қилиши мумкин бўлган тегишли расмий органи тайинлайди.

Ҳар бир аъзо ўзининг Марказий банкини ёки Жамғарма билан келишилган бошқа давлат молия институтини депозитарий сифатида белгилайди, бунда Жамғарма бундай аъзо давлат валютасини, шунингдек, Жамғарманинг бошқа активларини сақлаши мумкин.

## **16-модда. Аудиторлар ва ҳисоботлар**

Директорлар кенгашининг тавсиялари ва Бошқарувчилар кенгашининг розилиги билан Жамғарма ишларини кетма-кет уч йилдан кўп бўлмаган муддатга текшириш учун ТДТ иштирокчи-давлатларидан бирида рўйхатдан ўтган халқаро обрўга эга бўлган малакали ташқи аудиторлар тайинланади.

Бош директор ўз ҳисобварақлари бўйича текширилган ҳисоботни ўз ичига олган йиллик ҳисоботни эълон қилади ва ҳар чорақда Жамғарма аъзоларига Жамғарманинг молиявий ҳолати тўғрисидаги йиғма ҳисоботни ҳамда унинг фаолияти натижаларини акс эттирувчи даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботни юборади.

Бош директор ўз мақсадларини амалга ошириш учун зарур деб ҳисоблаган бошқа ҳисоботларни Директорлар кенгашининг розилиги билан эълон қилиши мумкин.

Бошқарувчилар кенгаши Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланиш ва унинг фаолиятини текшириш учун давлат аудиторларини тайинлаши мумкин.

### **17-модда. Соф даромадни тақсимлаш**

Жамғарманинг устав капитали йиғирма беш (25) фоизга етгунга қадар Жамғарманинг йиллик соф даромадининг камида ўн (10) фоизи умумий захираларга йўналтирилади. Жамғарма умумий захиралари устав капитали йиғирма беш (25) фоизига етгунга қадар Жамғарма соф даромадининг ҳеч бир қисми Аъзоларга фойда шаклида тақсимланмаслиги шарти билан, Бошқарувчилар кенгаши қўшимча захира яратиш ёки аъзоларга тарқатиш учун қўшимча маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

### **5-боб. ОПЕРАЦИЯЛАР**

#### **18-модда. Жамғарма ресурсларидан фойдаланиш, инвестиция ва молиявий тамойиллари**

Жамғарманинг маблағлари ва ресурсларидан фақат ушбу Битимнинг 2 ва 3-моддаларида назарда тутилган мақсадларни амалга ошириш ва функцияларни бажариш учун фойдаланилади.

Жамғарма фаолиятининг инвестицион ва молиявий сиёсати ва тамойиллари Директорлар кенгаши томонидан белгиланади.

Жамғарма ўз инвестицияларининг ТДТ иштирокчи-давлатлари аъзолари ўртасида адолатли тақсимланишини таъминлайди.

#### **19-модда. Молиялаштиришга оид мулоҳазалар**

Жамғарма ўз фаолиятини амалга оширишда:

- а) уни молиялаштириш бўйича ўз манфаатларини ҳимоя қилади;
- б) иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ва даромадли бандлик имкониятларини кенгайтириш орқали ТДТ иштирокчи-давлатларида одамлар фаровонлигини оширишга кўмаклашади;
- с) тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш орқали мамлакат қонунчилигини ва унинг тартибини ҳурмат қилади;
- д) яшил иқтисодиётга ўтишни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият беради;

е) камида иккита ТДТ иштирокчи-давлатларидан Бенефициарларни жалб қиладиган лойиҳаларга устуворлик беради;

ғ) эркин бозор иқтисодиёти ва ҳалол рақобат тамойилларига риоя қилади.

Жамғарма минтақавий лойиҳаларга, шунингдек, ТДТ иштирокчи-давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор беради.

### **20-модда. Маҳаллий қоидалар ва тартибларни қўллаш**

Жамғарманинг минтақавий хусусиятини ва аъзоларда турли хил қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ва ҳуқуқий тартибларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, Жамғарма ушбу мамлакатларнинг ҳар қандайда ҳар қандай шаклда берилган барча молиявий имкониятлар ички қонунлар билан қопланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунда тўловлар ва йиғимлар тўланади Жамғарма даъволари тўсқинлик қилинмайди. Шу билан бирга, барча молиявий имкониятлар Жамғарма томонидан тасдиқланган қоидалар ва низомларга асосланади.

### **21-модда. Кўриб чиқиш ва баҳолаш**

Жамғарма томонидан молиялаштириладиган тугалланган лойиҳалар, дастурлар ва тадбирларни ҳар томонлама ва доимий кўриб чиқиш Жамғарманинг мақсадларини амалга оширишда унинг самарадорлигини аниқлашда Директорлар кенгаши ва Бош Директорга ёрдам бериш учун амалга оширилади. Бош Директор ушбу текширувни ўтказиши ва унинг натижалари Бошқарувчилар кенгашига хабар қилинади.

## **6-БОБ. ЧИҚИШ, ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТУГАТИШ ВА ЖАМҒАРМА МУДДАТИ**

### **22-модда. Аъзолар чиқиши**

Ҳар қандай аъзо исталган вақтда Жамғарма штаб-квартирасига ёзма равишда билдиришнома юбориш орқали Жамғарма аъзолигидан чиқиши мумкин.

Аъзолардан бирининг Жамғармадан чиқиши ва унинг аъзолиги билдиришномада кўрсатилган санада тугайди, бироқ Жамғарма бундай билдиришномани олгандан кейин (6) олти ойдан кечиктирмай кучга киради. Бироқ, чиқиш якуний кучга киргунга қадар исталган вақтда, аъзо Жамғармани ўзининг чиқиш нияти тўғрисидаги билдиришномасини бекор қилганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши мумкин.

### **23-модда. Аъзоликни тўхтатиб туриш**

Агар аъзо Жамғарма олдидаги мажбуриятларидан бирини бажармаса, Жамғарма унинг аъзолигини тўхтатиб қўйиши мумкин. Аъзоликни тўхтатиб туриш Бошқарувчилар кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

Аъзолик тўхтатилгандан кейин бир йил ичида Бошқарувчилар кенгаши ўз қарорини қайта кўриб чиқади ва аъзоликни тиклайди ёки бундай аъзонинг фаолиятини тўхтатиб туриш муддатини узайтиради.

Аъзо, тўхтатиб турилган ҳолда, ушбу Битим бўйича ҳеч қандай ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли эмас, чиқиш ҳуқуқидан ташқари, лекин ўзининг барча мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлишда давом этади.

#### **24-модда. Аъзоликни тугатиш бўйича ҳисоб-китоблар**

Аъзо аъзоликдан чиққан санадан кейин («Аъзоликни тугатиш»), у ўша кунгача Жамғарма олдидаги бевосита мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади. Шунингдек, у аъзо бўлишни тугатмасдан олдин ҳисобланган бундай мажбурият бекор қилинмагунча, унинг маблағларга бўлган шартли мажбуриятлари учун жавобгар бўлиб қолади. Аъзоликни тугатиш вақтида Жамғарма ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ бундай Аъзо билан ҳисоб-китобларнинг бир қисми сифатида Жамғарма томонидан бундай Аъзо акцияларини қайта сотиб олишни ташкил қилади. Шу мақсадда акцияларни қайта сотиб олиш нархи Жамғарма китобларида аъзолик тугатилган санада кўрсатилган қиймат бўлиши керак.

Ушбу моддага мувофиқ Жамғарма томонидан сотиб олинган акциялар учун тўлов қўйидаги шартлар билан тартибга солинади:

(а) Аъзога ўз улушлари учун тўланиши керак бўлган ҳар қандай сумма, агар аъзо Жамғарма олдида тўланмаган мажбуриятларга эга бўлса, ушлаб қолинади. Бундай Аъзога тўланадиган ҳар қандай сумма, Жамғарма ихтиёрига кўра, унинг муддати тугаши билан ҳар қандай бундай мажбуриятга нисбатан қўлланилиши мумкин.

(б) Акциялар учун қайта сотиб олиш нархининг Жамғармага тегишли аъзонинг мажбуриятларининг умумий миқдоридан ортиқча миқдорига тенг бўлган соф сумма тегишли акциялар топширилгандан сўнг Директорлар кенгаши томонидан белгиланадиган муддат ичида тўланади.

(с) Тўловлар Жамғарма томонидан 2 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда АҚШ долларига амалга оширилади.

(д) Агар аъзолик тугатилган санада тўланмаган ҳар қандай мажбурият бўйича Жамғарма томонидан зарарлар қопланса ва бундай йўқотишлар миқдори йўқотишлар учун берилган захира миқдоридан ошса манфаатдор аъзо талаб қилиб, агар қайта сотиб олиш нархи аниқланганда йўқотишлар ҳисобга олинган бўлса, унинг акцияларини қайта сотиб олиш нархи камайтирилиши мумкин.

Агар Жамғарма ушбу Битимнинг 25-моддасига мувофиқ ўз фаолиятини Аъзолик тугатилган кундан бошлаб олти (6) ой ичида тўхтатса, тегишли аъзонинг барча ҳуқуқлари 27 ва 28-моддалар қоидаларига мувофиқ белгиланади. Бундай аъзо ушбу моддаларнинг мақсадлари учун ҳали ҳам аъзо сифатида кўриб чиқилади, лекин овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

#### **25-модда. Операцияни вақтинча тўхтатиб туриш**

Директорлар кенгаши фавқулодда вазиятларда барча инвестициялар бўй-



ича Жамғарма фаолиятини вақтинча тўхтатиб туришни таклиф қилиши мумкин. Бу масалани кўриб чиқиш ва шу муносабат билан қарор қабул қилиш учун Бошқарувчилар кенгашини навбатдан ташқари йиғилишга чақиради.

Агар аъзо Жамғармага устав капитали тўловларни амалга оширмаса, Жамғарма аъзони тўлаш муддати тугаганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабардор қилади. Агар аъзо бундай тўлов бўйича хабардор қилинганидан кейин 90 (тўқсон) кун ичида уни амалга оширмаса, бундай тўлов амалга оширилгунга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан бундай аъзонинг ҳудудида янги инвестиция киритилмайди.

### **26-модда. Жамғарманинг фаолият юритиш муддати**

Жамғарма таъсис мажлиси ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) йил муддатда фаолият кўрсатади. Бошқарувчилар кенгаши исталган вақтда Жамғарма фаолиятини тугатиш ёки узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Бошқарувчилар кенгаши Жамғарма фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, Жамғарма барча фаолиятини дарҳол тўхтатади, ўз активларини тартибга солиш, сақлаш ва мажбуриятларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Бундай мажбуриятлар якуний ҳал этилгунга қадар ва активлар тақсимлангунга қадар Жамғарма мавжуд бўлиб қолади ва унинг аъзоларининг барча ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилмаган ҳолда сақланиб қолади.

### **27-модда. Аъзоларнинг жавобгарлиги ва даъволар бўйича тўловлар**

Жамғарма фаолияти тўхтатилган тақдирда, Жамғарма устав капиталининг тўланмаган қисми бўйича Аъзоларнинг жавобгарлиги кредиторларнинг барча талаблари, шу жумладан барча шартли талаблар қондирилгунга қадар давом этади.

Тўғридан-тўғри талабларга эга бўлган барча кредиторлар биринчи навбатда Жамғарма маблағлари ҳисобидан, кейин эса Жамғармага тўланмаган обуналар ҳисобидан тўланади. Тўғридан-тўғри талабларга эга бўлган кредиторларга ҳар қандай тўловларни амалга оширишдан олдин, Директорлар кенгаши тўғридан-тўғри ва шартли талаблар эгалари ўртасида мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаш учун ўз қарорига кўра зарур бўлган чораларни кўради.

### **28-модда. Активларни тақсимлаш**

Кредиторлар олдидаги барча мажбуриятлар бажарилмагунча ёки таъминланмагунча Жамғарма капиталига обуна бўлганлиги сабабли Аъзоларга активларни тақсимлаш амалга оширилмайди. Бундай тақсимот Бошқарувчилар кенгаши томонидан тасдиқланиши керак.

Жамғарма активлари Аъзоларга ҳар қандай тақсимлаш ҳар бир Аъзо-

га тегишли устав капиталига мутаносиб равишда ва Жамғарма адолатли ва тенг ҳуқуқли деб ҳисоблаган вақт ва шартларда, омонатчиларга устунлик берган ҳолда амалга оширилади. Ҳеч бир аъзо Жамғарма олдигаги барча мажбуриятларини тўламагунча активларни бундай тақсимлашда ўз улушини олишга ҳақли эмас.

Ушбу моддага мувофиқ тақсимланган активларни оладиган ҳар қандай аъзо Жамғарма тақсимлашдан олдин фойдаланилган активларга нисбатан бир хил ҳуқуқлардан фойдаланади.

## **7-боб. МАҚОМ, ИММУНИТЕТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР**

### **29-модда. Ҳуқуқий мақом**

Жамғарма халқаро молия ташкилоти мақомига эга.

Жамғарма тўлиқ юридик шахс ҳисобланади ва қуйидаги тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга:

- a. шартнома тузиш,
- b. миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчмас ва кўчар мулкни сотиб олиш, ижарага олиш ва тасарруф этиш;
- c. моддий ва номоддий мулкни сотиб олиш ва уларни тасарруф этиш;
- d. суд ишларини кўзғатиш,
- e. Жамғарма мақсадлари доирасида ҳар қандай операцияларни амалга ошириш.

### **30-модда. Иммуниетлар, имтиёзлар ва солиқлардан озод қилиш**

Жамғарма ва унинг активлари ушбу Битим аъзолари ҳудудида барча мусодара қилиш чораларидан, шунингдек, секвестр, моратория ёки қонунчилик ҳаракатлари билан олиб қўйишнинг ҳар қандай шаклларида иммуниетга эга.

Жамғарма ва унинг мол-мулки, даромадлари ва улар билан боғлиқ операциялари, шу жумладан расмий фойдаланиш учун олиб кириладиган товарлар ва транспорт воситалари сақлаш ва шунга ўхшаш хизматлар учун йиғимлардан ташқари барча тўғридан-тўғри ва билвосита солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимлардан озод қилинади.

Божхона тўловларига нисбатан бундай имтиёзлар аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ тақдим этилади, улар юқорида кўрсатилган имтиёзларга тўсқинлик қилмайди ёки истисно қилмайди.

Аъзо давлатлар валютани конвертация қилиш ва Жамғарма ёки унинг бошқа бенефициарлари томонидан пулни олиш, сақлаш, фойдаланиш ёки ўтказиш билан боғлиқ операцияларга ҳеч қандай чекловлар қўймайди. Бундай операциялар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга қўйиладиган одатий талаблар чеклашлар деб ҳисобланмайди.

Юқоридагилардан қатъи назар, ушбу моддада кўрсатилган имтиёзлар Жамғарма томонидан инвестиция қилинган ҳар қандай юридик шахс ёки корхонага тааллуқли эмас.

Жамғарма ҳар қандай суд жараёнларидан иммунитетга эга, Жамғарма-ни штаб-квартираси жойлашган давлатни ёки хизматни қабул қилиш ёки жараён тўғрисида хабар бериш мақсадида Жамғарма тайинлаган агент ёки қимматли қоғозларни чиқарган ёки кафолатлаган ҳар қандай давлатнинг ваколатли судида ўз ваколатларини амалга ошириш, мажбуриятларни кафолатлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотишни таъминлашдан келиб чиқадиган ҳолатларда Жамғармага қарши даъво қўзғатилиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Президент, барча Бошқарувчилар ва директорлар ва уларнинг ўринбосарлари, Бош директор, профессионал ходимлар, шу жумладан Жамғарма-нинг миссиясини бажарувчи экспертлар барча Аъзо давлатларда ўзларининг расмий мақомида қилган хатти-ҳаракатлари бўйича суд жараёнидан иммунитетга эга, ўз давлатида ва Жамғарма иммунитетдан воз кечган ҳоллар бундан мустасно.

Жамғарма ўз ихтиёрига кўра, ушбу моддага мувофиқ берилган имтиёзлар, иммунитетлардан ва истиснолар ҳар қандай ҳолатда ёки ҳолларда, Жамғарма манфаатларига мос келадиган тарзда ва шартларда воз кечиши мумкин.

### **31-модда. Архивлар дахлсизлиги**

Жамғарма архивлари ва умуман, унга тегишли ёки тасарруфидаги барча ҳужжатлар қаерда жойлашган бўлишидан қатъи назар дахлсиз бўлиши керак.

## **8-БОБ. ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА АРБИТРАЖ**

### **32-модда. Ўзгартиришлар**

Ушбу Битимга Бошқарувчилар кенгашининг бир овоздан қарори билан алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ушбу Битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ҳар қандай таклиф, хоҳ аъзо ёки Директорлар кенгашидан келиб чиқадиган бўлсин, Бошқарувчилар кенгаши раисига юборилади, у таклифни Бошқарувчилар кенгашига киритади. Агар ўзгартириш қабул қилинган бўлса, Жамғарма буни барча аъзоларга йўлланган расмий хабарда тасдиқлайди.

Ушбу Битимнинг ажралмас қисми бўлган ўзгартиришлар барча аъзолар учун расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч (3) ой ўтгач кучга киради, агар Бошқарувчилар кенгаши бошқа муддатни белгиламаса.

### **33-модда. Тил**

Жамғарманинг иш тили инглиз тилидир.

### **34-модда. Талқин**

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ

Аъзолар, инвесторлар ва Жамғарма ўртасида юзага келадиган ҳар қандай саволлар Директорлар кенгашига қарор қабул қилиш учун тақдим этилади.

Директорлар кенгаши 1-хатбошига мувофиқ қарор қабул қилган ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай манфаатдор томон бу масалани Бошқарувчилар кенгашига юборишни сўраши мумкин, унинг қарори яқуний ҳисобланади. Бошқарувчилар кенгаши қарори қабул қилингунга қадар Жамғарма ўзи зарур деб ҳисоблаганча, Директорлар кенгаши қарори асосида иш олиб бориши мумкин.

### **35-модда. Арбитраж**

Жамғарма ва Жамғарманинг аъзолари ва/ёки собиқ аъзолари ўртасида юзага келадиган низолар, иложи бўлса, манфаатдор томонлар томонидан музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилинади. Солиқ солишга оид масалалар бўйича низолар Бошқарувчилар кенгаши томонидан ҳал қилинади. Бошқарувчилар кенгашининг солиққа тортиш билан боғлиқ низолар бўйича қарорлари яқуний ҳисобланади.

Солиқ билан боғлиқ бўлган низолардан ташқари низолар улар юзага келган кундан бошлаб камида уч (3) ой ичида музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этилмаган бўлса, учта (3) ҳакамдан иборат арбитраж судига тақдим этилади, учта (3) ҳакамдан бири Жамғарма томонидан, иккинчиси Жамғарманинг тегишли аъзоси ёки собиқ аъзоси томонидан ва учинчиси, Томонлар бошқача келишувга эришмаган бўлса, Халқаро Суд раиси томонидан тайинланади. Учинчи ҳакамни тайинлашда сайланган ҳакамлар низода иштирок этувчи давлат фуқароси бўлмаслиги кераклиги ҳақидаги қоидага амал қиладилар. Низони ҳал қилишда ҳакамлар низонинг оммавий ҳуқуқий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда УНСИТРАЛ арбитраж қоидаларига амал қиладилар. Арбитраж тили инглиз тилидир.

Ҳакамларнинг қарори яқуний ва низо тарафлари учун мажбурийдир.

## **9-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

### **36-модда. Депозитарий**

Ушбу Битимнинг асл нусхаси ўзбек, озарбайжон, қирғиз, қозоқ, турк ва инглиз тилларида бир нусхада ТДТ Котибиятига («Депозитарий») сақлаш учун топширилади.

### **37-модда. Таъсис йиғилиши**

Ушбу Битим кучга кириши биланоқ ҳар бир аъзо ўз Бошқарувчисини тайинлайди ва Жамғарма Президенти Бошқарувчилар кенгашининг таъсис йиғилишини чақиради.

Ташкилий йиғилишда:

I. Жамғарманинг Директорлар кенгаши аъзолари 9-моддага мувофиқ тайинланади ва сайланади;

II. Жамғарма фаолиятини бошлаш санасини белгилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади;

III. Биринчи Бош директор 11-моддага мувофиқ тайинланади.

Жамғарма барча аъзоларни ўз фаолиятини бошлаш санаси тўғрисида хабардор қилади.

### **38-модда. Ратификация қилиш, қабул қилиш, амал қилиши, кучга кириши ва бошқа қоидалар**

Ушбу Битим Жамғарма аъзолари томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши керак.

Ушбу Битим унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-қоидаларини Таъсисчи аъзолар бажарганлиги тўғрисида Депозитарий томонидан охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган кундан бошлаб ўттизинчи куни кучга киради.

Ушбу Битим аъзо-таъсисчи бўлмаган ҳар қандай ТДТ иштирокчи-давлатига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни Депозитарийга тақдим этиш орқали қўшилиши учун очикдир.

Ушбу Битим Бошқарувчилар кенгаши томонидан унинг аъзолиги тасдиқлаганидан кейин Депозитарийга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш орқали бошқа ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очикдир.

Қўшилган давлатга нисбатан ушбу Битим Депозитарий дипломатик каналлар орқали қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни олган кундан бошлаб ўттизинчи куни кучга киради.

Ратификация ёрлиғи, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат, ушбу билан назарда тутилган тарзда сақлаш учун топширилганда, ушбу Битимнинг 5-моддасида кўрсатилганидек, бундай аъзо обуна бўлган Жамғарманинг бошланғич капиталидаги улушларнинг сонини кўрсатиши керак. Депозитарий барча Томонларни ҳар бир депозит, унинг санаси ва обуна бўлган акциялар сони тўғрисида тегишли равишда хабардор қилади.

Бунинг гувоҳи сифатида тегишли равишда ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар ушбу Битимни имзоладилар.

а) доимий муассаса томонидан корхонанинг бош идорасига ёки унинг ҳар қандай бошқа идораларига роялти тўловлари, патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун йиғим ва шунга ўхшаш тўловлар ёки хизмат кўрсатганлик учун ёхуд бошқарув учун комиссия тўловлар ёки доимий муассасага қарзга берилган суммаларга нисбатан фоиз тўловлари (банк билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно) кўринишидаги (ҳақиқатдаги харажатларни қоплашдан ташқари) тўланган суммалари;

б) доимий муассаса томонидан корхонанинг бош идорасига ёки унинг ҳар қандай бошқа идораларига роялти тўловлари, патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун йиғим ва шунга ўхшаш тўловлар ёки хизмат кўрсатганлик учун ёхуд бошқарув учун комиссия тўловлар ёки кор-

хонанинг бош идорасига ёки унинг ҳар қандай бошқа идораларига қарзга берилган суммаларга нисбатан фоиз тўловлари (банк билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно) кўринишида (ҳақиқатдаги харажатларни қоплашдан ташқари) қилинган ҳар қандай харажатларнинг суммалари.

4. Келишувни амалга оширувчи давлатда, корхонанинг умумий даромадини турли қисмларга тақсимлаш асосида доимий муассасага тегишли бўлган даромадни аниқлаш одат тусига кирган пайтгача, 2-банддаги ҳеч нарса ушбу келишувни амалга оширувчи давлатга одатий бўлиши мумкин бўлган тақсимот бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашга тўсқинлик қилмайди; танланган тақсимот усули ушбу моддада келтирилган тамойилларга мувофиқ келадиган натижани бериши керак.

5. Аввалги бандлар мақсадлари учун доимий муассасага тегишли фойда, агар уни ўзгартириш учун салмоқли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил услубда аниқланади.

6. Агар фойда, мазкур Битимнинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад элементларини қамраб оладиган бўлса, мазкур модданинг қоидалари ўша моддалар қоидаларига дахл қилмайди.

## 8-модда

### Халқаро ташиш

1. Халқаро ташишларда денгиз ва ҳаво кемалари, темир йўл ёки авто-транспорт воситаларидан халқаро йўлларда фойдаланишдан олинган фойда фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

2. Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг контейнерлар (шу жумладан тир-кама, баржалар (юк кемаси) ва бошқа ўхшаш контейнерларни ташиш учун жиҳозлар)ни фойдаланиш, сақлаш ёки ижарага беришдан олган фойдасига фақат шу давлатда солиқ солинади, ушбу контейнерлар фақатгина Аҳдлашувчи бошқа давлат ичидаги жойлар ўртасида ташиш учун фойдаланилган ҳоллар бундан мустасно.

3. 1 ва 2-банд қоидалари, шунингдек, пул (қўшма келишув)да, қўшма тадбиркорликда ёки халқаро операцион агентлигида иштирок этишдан олин-надиган фойдаларга ҳам қўлланилади.

## 9-модда

### Бирлашган корхоналар

1. Агар:

а) Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқаруви, назорати ёки унинг мол-мулкида бевосита ёки билвосита иштирок этса; ёки

б) бир хил шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқаруви, назорати ёки мол-мулкида бевосита ёки билвосита иштирок этса,

ҳамда ҳар қандай ҳолатда икки корхона ўртасидаги уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мустақил бўлган корхоналар ўртасида бўладиган-

дан фаркли шароитлар барпо этилса ёки белгиланса, уларнинг бирортасига ҳисобланиши мумкин бўлган, лекин ушбу шартлар туфайли ҳисобланмай қолган ҳар қандай фойда ушбу корхона фойдасига қўшилиши ва тегишли равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Агар бир Аҳдлашувчи Давлат ушбу Давлат корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бўйича ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилган фойдани киритса ва мувофиқ равишда солиққа тортса ҳамда шу тариқа киритилган фойда биринчи қайд этилган Давлат корхонасига, агар иккала корхона ўртасида вужудга келган муносабатлар икки мустақил корхона ўртасидаги муносабатлар каби бўлганда ҳисобланадиган фойда бўлса, у ҳолда ана шу бошқа Давлат фойдадан ўзида олинган солиқ миқдорига тегишли зарур тузатишларни киритади. Бундай тузатишларни аниқлашда ушбу Битимнинг бошқа қоидаларига тегишлича эътибор қаратиш лозим ва зарур ҳолларда, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бир-бирлари билан ўзаро маслаҳатлашадилар.

### 10-модда Дивидендлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай дивидендлар уларни тўлаётган компания резидент ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатда ҳам ушбу Давлат қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, аммо башарти дивидендларнинг эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бу тарзда олинадиган солиқ миқдори қуйидагилардан ошмаслиги лозим:

а) агар манфаатлар эгаси давлат ёки ҳар қандай маъмурий-худудий, сиёсий бўлинмалар, маҳаллий ҳокимиятлар ёки уларнинг ўрнини босувчи органлари бўлса, ёки улар тўлиқ ёки деярли тўлиқ бевосита ёки билвосита равишда давлат томонидан эгалик қилинишса, дивидендлар ялпи миқдорининг 0 фоизи;

б) бошқа барча ҳолатларда дивидендлар ялпи миқдорининг 8 фоизи.

Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзаро келишган ҳолда ушбу чекловларни қўллаш усулини белгилайдилар.

3. Ушбу моддада ишлатиладиган «дивидендлар» атамаси давлатнинг қонунларига мувофиқ акциялардан олинадиган даромад каби солиққа тортиладиган, қарз мажбурияти бўлмаган, фойда олишда қатнашадиган акциялардан, устав капитал ҳуқуқидан, устав капитал акцияларидан олинадиган даромадлар тушунилади.

4. Башарти бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган дивидендларнинг ҳақиқий эгаси дивидендларни тўлаётган компания резидент ҳисобланган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз тадбиркорлик фаолиятини унда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ёки ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий база ва холдингдан мустақил шахсий хизматлар кўрсатса ва дивидендлар тўланадиган улуш ҳақиқатда ушбу доимий муассаса билан

боғлиқ бўлса, 1 ва 2-банд қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 15-модданинг қоидалари қўлланилади.

5. Башарти Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фойда ёки даромад олаётган бўлса, бундай дивидендлар ушбу бошқа Давлат резидентига тўланиш ҳолатларидан ёки дивиденд тўланадиган улуш ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллардан ташқари, ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания тўлаётган дивидендларни солиққа тортмаслиги, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдасини, ҳатто тўлаётган дивидендлар ва тақсимланмаган фойда тўлиқ ёки қисман ушбу бошқа Давлатда юзага келган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам солиққа тортмаслиги мумкин.

### **11-модда** **Фоизлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган корхона томонидан Аҳдлашувчи бошқа бир давлат резидентига тўланадиган фоизлар шу Аҳдлашувчи бошқа давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бирок, бундай фоизлар, шу давлатнинг резиденти бўлган корхонаси фоизлар тўлайдиган Аҳдлашувчи Давлатда ва шу давлатнинг қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши ҳам мумкин, лекин агар фоизларнинг манфаатли эгаси Аҳдлашувчи бошқа давлатнинг резиденти бўлса, ундириладиган солиқлар фоизнинг ялпи миқдорининг 8 фоизидан ошмаслиги керак.

3. 2-банднинг қоидаларига қарамай, агар манфаатлар эгаси давлат ёки ҳар қандай маъмурий-худудий, сиёсий бўлинмалар, маҳаллий ҳокимиятлар ёки уларнинг ўрнини босувчи органлари агар улар тўлиқ ёки деярли тўлиқ бевосита ёки билвосита равишда давлат томонидан эгалик қилинса, фоизлар ўзи келиб чиққан Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилмайди.

4. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда фойдада иштирок этиш ҳуқуқлари мавжудлиги ва ипотека таъминотидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинадиган даромадларни, хусусан, ҳуқумат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромадлар, облигациялар ва қарз мажбуриятларидан, шу жумладан, мукофотлар ва ушбу қимматбаҳо қоғозлар, облигациялар ва қарз мажбуриятлари бўйича олинадиган ютуқлар тушунилади. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун жарималар ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида қаралмайди.

5. Агар фоизларнинг манфаатли эгаси, Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиб, фоизларни келиб чиққан бошқа давлатда тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса ёки бошқа давлатда унда жойлашган доимий муассасада шахсий хизматларни амалга оширса ва фоизлар тўланадиган ҳолдаги бундай доимий муассаса ёки доимий база билан самарали боғлиқ бўлса. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 15-моддаларнинг қоидалари қўлланилади.

6. Фоизларни тўловчи Давлатнинг ўзи, худудий-маъмурий бўлинмаси, маҳаллий ҳокимият органи ёки ушбу Давлатнинг резиденти бўлса, фоиз-

лар Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ фоизларни тўловчи шахс Аҳдлашувчи давлатнинг резиденти бўлиши ёхуд бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса, шу туфайли қарз мажбуриятдан фоизлар тўлаш мажбурияти вужудга келган бўлса ва шундай фоизлар тўлашни доимий муассаса ёки доимий база амалга оширса, бунда фоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган ўша Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган деб ҳисобланади.

7. Агар тўловчи билан фоизларнинг ҳақиқий эгаси ўртасида ёки улар иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида қарз талабномасига асосан тўланаётган фоизлар миқдори тўловчи билан фоизлар ҳақиқий эгаси ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, мазкур модда қоидалари фақат охирига қайд этилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми мазкур Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилади.

## 12-модда

### Роялти

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ ушбу Давлатда юзага келадиган бундай роялтилар ушбу Аҳдлашувчи Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин, башарти роялтиларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бундай тарзда олинадиган солиқ роялти ялпи миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Роялти» атамаси мазкур моддада қўлланилганда, ҳар қандай адабий, санъат ва илмий асарларига муаллифлик ҳуқуқи, шу жумладан, видеофильмлар ёки фильмлар ёхуд радио ва телевидение учун ёзувлар, кассеталар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизма ёки моделлар, компьютер дастурлари, режа, махфий формула ёки жараёндан ёки саноат, тижорат ёки илмий асбоб-ускунадан ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага дахлдор ахборотдан фойдаланганлиги ёки фойдаланиш ҳуқуқи учун ҳар қандай тўлов турини англатади.

4. Агар роялтиларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлиб, роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга ошираётган бўлса ҳамда роялти тўланаётган ҳуқуқ ёки мулк шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса, 1 ва 2-бандларнинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда 7-модда ёки 15-модданинг қоидалари вазиятга қараб қўлланилиши мумкин.

5. Роялти, агар тўловчи ана шу Давлатнинг ўзи, маъмурий-худудий бў-

линмаси, маҳаллий ҳокимият органи ёки ушбу Давлатнинг резиденти бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ роялтини тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, Аҳдлашувчи Давлатда роялтини тўлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мол-мулк бўлган доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса ва бу доимий муассаса ёки база ушбу роялтиларни тўлашни амалга оширса, бундай роялтилар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган ушбу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан роялтининг ҳақиқий эгаси ўртасидаги ёки улар иккаласи ва бошқа бирон-бир шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида фойдаланиш ҳуқуқ ва ёки ахборотга тегишли бўлган ва улар учун тўланадиган роялти миқдори бундай муносабатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, тўловчи билан роялтининг ҳақиқий эгаси ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ бўлса, мазкур модда қоидалари фақат охири қайд этилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

### 13-модда

#### Техник хизматлар учун тўлов

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган корхона томонидан Аҳдлашувчи бошқа бир давлат резидентига тўланадиган муайян хизматлар учун тўловлар шу Аҳдлашувчи бошқа давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, 15-модданинг қоидалари бундан мустасно ва 8, 16 ва 17-моддаларнинг қоидаларига асосан, бундай муайян хизматлар учун тўловлар шу давлатнинг резиденти бўлган корхонаси муайян хизматлар учун тўловлар тўлайдиган Аҳдлашувчи Давлатда ва шу давлатнинг қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши ҳам мумкин, лекин агар бу тўловларнинг манфаатли эгаси Аҳдлашувчи бошқа давлатнинг резиденти бўлса, ундириладиган солиқлар бу тўловларнинг ялпи миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Ушбу моддада ишлатилган «муайян хизматлар учун тўловлар» атамаси бошқарув, техник ёки маслаҳат бериш характеридаги ҳар қандай хизмат учун тўланадиган ҳар қандай тўлов, агар тўлов қуйидагилардан ташкил топмаган бўлса:

- а) тўловни амалга оширадиган шахснинг ходими учун;
- б) ўқув муассасасида ўқитиш учун ёки ўқув муассасаси томонидан ўқитиш учун, ёки
- с) жисмоний шахс томонидан шахсий хизматлардан фойдаланиш учун.

4. 1 ва 2-бандларнинг қоидалари қўлланилмайди агар муайян хизматлар учун тўловларнинг манфаатли эгаси, Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиб, муайян хизматлар учун тўловларни келиб чиққан бошқа давлатда тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса ёки бошқа давлатда унда жойлашган доимий муассасада шахсий хизматларни амалга оширса ва муайян хизматлар учун тўловлар тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк бундай доимий муас-

саса ёки доимий база билан самарали боғлиқ бўлса. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 15-моддаларнинг қоидалари қўлланилади.

5. Ушбу модданинг 6-бандига биноан, агар тўловчи шу Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса ёки тўловни амалга оширувчи шахс, Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасаси ёки тўловларни тўлаш мажбуриятини олган доимий базаси бўлса, муайян хизматлар учун тўловлар келишувини амалга оширувчи давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади ва ушбу тўловлар доимий муассаса ёки доимий база томонидан тўланади.

6. Ушбу моддага асосан, агар тўловчи шу Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса ва Аҳдлашувчи бошқа давлатда жойлашган доимий муассасаси орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса ёки бошқа давлатда жойлашган доимий база орқали мустақил равишда шахсий хизматларини амалга оширса муайян хизматлар учун тўловлар Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлмаган деб ҳисобланади ва бундай тўловлар доимий муассаса ёки доимий база томонидан тўланади.

7. Агар тўловчи ва муайян хизматлар учун тўловларнинг манфаатли мулк эгаси ёки иккиси ва бошқа шахс ўртасидаги ўзаро муносабат туфайли, шулар учун муайян хизматлар учун тўловлар тўланувчи фойдаланиш, ҳуқуқ ёки маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, бундай муносабатлар мавжуд бўлмаганда, муайян хизматлар учун тўловларнинг миқдори тўловчи ва манфаатли мулкдор томонидан келишилган миқдордан ошса, ушбу модданинг қоидалари фақат охириги кўрсатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисмига ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ солиқ солинади.

## 14-модда

### Мол-мулк қиймати ўсишидан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг 6-моддада кўрсатиб ўтилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни тасарруфидан чиқариш натижасида оладиган даромадлари ўша бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги доимий муассасаси тижорат мулкнинг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкни ёки бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматларни амалга оширишда фойдаланиши мумкин бўлган доимий базасига тааллуқли кўчар мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадлари, шу жумладан, ана шундай доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) ёки шундай доимий базани тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадлари ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз ва ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорт воситаларини ёки шундай денгиз ва ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорт воситаларидан фойдаланишга

тааллуқли бўлган кўчар мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадлар фақат ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида жойлашган бевосита ёки билвосита кўчмас мулк қийматининг 50 фоизидан кўп миқдорини ташкил қиладиган акцияларни ва бошқа шунга ўхшаш ҳар қандай манфаатларни тасарруфдан чиқаришдан олдинги 365 кун давомидаги ҳар қандай вақтда олинадиган даромадлар, 6-моддада кўрсатилганидек, ана шу бошқа давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. Ушбу модданинг 1,2,3 ва 4-бандларида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ҳар қандай бошқа мол-мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинадиган даромадлар, тасарруфидан чиқараётган шахс резидент деб ҳисобланадиган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

### 15-модда

#### Мустақил шахсий хизматлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг касбий хизматлар кўрсатиш ёки мустақил тусдаги бошқа фаолиятдан олган даромадлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади, бундай даромадлар, шунингдек, истисно тариқасида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ҳам қуйидаги ҳолларда солиққа тортилиши мумкин:

а) агар у ўз фаолиятини амалга ошириш мақсади учун бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўзи учун мунтазам тегишли бўлган доимий базага эга бўлса; бундай ҳолларда даромаднинг фақат шундай доимий базага тааллуқли бўлган қисмигина ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин; ёки

б) агар унинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда бўлиши кўриб чиқиладиган ҳар қандай тегишли молиявий йилда бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ойлик давр мобайнида жами 183 кунни ташкил этса ёки ундан ошса; бу ҳолда ушбу бошқа Давлатдаги фаолиятдан олинган даромаднинг фақат ўша бошқа Давлатга тааллуқли қисмигина бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, жумладан, мустақил илмий, адабий, санъат, таълим ва педагогик фаолиятларни, шунингдек, врачлар, юристлар, муҳандислар, архитекторлар, стоматологлар ва ҳисобчиларнинг мустақил фаолиятларини ўз ичига қамраб олади.

### 16-модда

#### Ёлланма шахсий хизматлар

1. 17,19 ва 20-моддаларнинг қоидаларини инобатга олган ҳолда бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ёлланма хизмат учун оладиган маоши, иш ҳақи ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари, фақат ушбу Давлатда солиққа тортилиши мумкин, башарти ёлланиб ишлаш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса. Агар ёлланма хизмат шу тарзда амалга ошириладиган бўлса, унда ушбу муносабат билан олинган тақдирлаш ҳақлари ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.



2. 1-банд қоидаларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма хизмат учун оладиган тақдирлаш ҳақлари фақат биринчи қайд этилган Давлатда солиққа тортилади, башарти:

а) ҳақ олувчи кўриб чиқиладиган молиявий йилда бошланадиган ёки якунланадиган ҳар қандай ўй икки ойлик давр ичида жами 183 кундан ошмайдиган муддат ёки муддатларда бошқа Давлатда бўлиб турса; ва

б) тақдирлаш ҳақлари бошқа Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи томонидан ёки унинг номидан тўланадиган бўлса; ва

с) агар тақдирлаш ҳақлари иш берувчининг бошқа давлатда жойлашган доимий муассасаси ёки доимий базаси томонидан қопланмаса.

3. Ушбу модданинг аввалги қоидаларидан қатъий назар, Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз ва ҳаво кемалари бортида ёки автомобиль транспорти воситаларида амалга ошириладиган ёлланма хизматларга нисбатан олинадиган тақдирлаш ҳақлари биринчи айтиб ўтилган давлатда солиққа тортилади.

### 17-модда

#### Директорларнинг мукофотлари

Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания директорлар кенгашининг ёки ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш органнинг аъзоси сифатида ёки унинг номидан оладиган директорларнинг мукофотлари ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

### 18-модда

#### Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 15 ва 16-модданинг қоидаларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган шахсий фаолиятдан оладиган даромадлари ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Башарти санъат ходими ёки спортчининг амалга оширган шахсий фаолиятдан олинадиган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахс ҳисобига ўтказилса, бу даромад 15 ва 16-моддаларнинг қоидаларидан қатъи назар, санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг Аҳдлашувчи бошқа давлатда амалга оширадиган фаолиятдан олган даромадлари агар бошқа Аҳдлашувчи Давлатга ташриф тўлиқ ёки деярли ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатларнинг маъмурий-ҳудудий ёки сиёсий бўлинмалари ёки у ерда жойлашган ҳокимиятнинг маблағлари ҳисобига ёки Аҳдлашувчи Давлатлар ҳукуматлар ўртасида маданий келишув ёки келишувга асосан амалга оширилса, шу бошқа давлатда солиқдан озод этилади.

### 19-модда

#### Пенсиялар ва аннуитетлар

1. 20-модданинг 2-банди қоидаларини ҳисобга олиб, Аҳдлашувчи Давлат резидентига аввалги ёлланма хизматлар учун тўланадиган пенсия ва бошқа шунга ўхшаш тақдирлаш ҳадялари фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади.

2. «Аннуитет» атамаси шахсга ҳаёти мобайнида белгиланган муддатда ёки аниқ ёки муайян вақт мобайнида пул ёки қиймат кўринишида мажбуриятлар бўйича тўлиқ қопланадиган белгиланган суммани англатади.

### 20-модда

#### Давлат хизмати

1. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки ҳудудий-маъмурий бўлинма ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ана шу Давлатга ёки маъмурий-худудий бўлинма ёхуд маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатган хизматлари учун жисмоний шахсга тўланадиган маош, иш ҳақи ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари, пенсиядан ташқари, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

б) Агар хизматлар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс ушбу Давлатнинг резиденти ҳисобланса, бундай маош, иш ҳақи ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади, башарти жисмоний шахс:

(i) агар шу давлатнинг фуқароси бўлса; ёки

(ii) фақат хизмат кўрсатиш мақсадида ушбу давлатнинг резиденти бўлмаса.

2. а) 1-банд қоидаларидан ташқари, Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий бўлинмаси ёхуд маҳаллий ҳокимият органи ёки улар тузган жамғармалар томонидан ушбу Давлат, бўлинма, ҳокимиятга кўрсатилган хизматлар учун жисмоний шахсга ҳар қандай нафақалар фақатгина ўша давлатда солиққа тортилади.

б) Бироқ жисмоний шахс бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ёки миллий шахси бўлса, бундай нафақа ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилади.

3. Ушбу Битимнинг 16,17,18 ва 19-моддалари қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки маъмурий-худудий бўлинмаси ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатишдан олинган маош, иш ҳақи ва бошқа ўхшаш тақдирлаш ҳақлари ва пенсияларга нисбатан қўлланади.

### 21-модда

#### Талабалар

Аҳдлашувчи Давлатлардан бирига келгунга қадар бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиб турган ёки бўлган ва биринчи қайд этилган Давлатда фақат ўқиш ёки маълумот олиш мақсадидагина яшаб турган талаба, стажёр ёки амалиётчининг яшаши, ўқиши ва маълумот олиши учун

мўлжалланган тўловлари, башарти бундай тўловлар ушбу Давлат ҳудудидан ташқаридаги манбалардан юзага келаётган бўлса, ушбу Давлатда солиққа тортилмайди.

## **22-модда** **Бошқа даромадлар**

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг мазкур Битимнинг олдинги моддаларида назарда тутилмаган даромад турлари, уларнинг қайси манбадан юзага келишидан қатъий назар, фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади.

2. 1-банднинг қоидалари 6-модданинг 2-бандида белгиланган кўчмас мулкдан олинган даромаддан ташқари бошқа даромадга, агар ушбу даромаднинг олувчиси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатса ҳамда даромад олинишига боғлиқ ҳуқуқ ёки мол-мулк шу каби доимий муассаса ёки доимий база билан амалда боғлиқ бўлса, қўлланилмайди. Бундай ҳолатда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 15-модданинг қоидалари қўлланилади.

## **23-модда** **Икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш**

1. Ўзбекистонда икки томонлама солиққа тортиш қуйидагича бартараф этилади:

Агар Ўзбекистон резиденти, ушбу Битимнинг қоидаларига биноан, Қатарда солиққа тортиладиган даромад олса, унда Ўзбекистон ушбу резидентнинг даромадига солинадиган солиққа чегирма беради, агар бундай чегирма Қатарда олинадиган даромаднинг, чегирма берилишидан олдин ҳисобланганидек, Қатарда солиққа тортиладиган қисмидан ошмаса.

Ушбу қоидаларга кўра, «тўланган солиқ» атамалари Аҳдлашувчи Давлатда тўланган солиқ миқдорини ўз ичига олади, агар ушбу Аҳдлашувчи Давлат қонунлари ва қоидаларига мувофиқ озод қилиш ёки қисқартиришга йўл қўйилмаса.

2. Қатарда икки томонлама солиққа тортиш қуйидагича бартараф этилади:

а) агар Қатар резиденти, ушбу Битимнинг бандларига мувофиқ, Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса, ушбу банднинг кичик «б» бандига кура, Қатар ушбу солиқларни тўлашдан озод қилади.

б) агар Қатар резиденти 11-модданинг қоидаларига биноан Ўзбекистонда солиқ солиниши мумкин бўлган даромад турларини оладиган бўлса, Қатар ушбу резидентнинг даромадларига солинадиган солиқдан Ўзбекистонда тўланган солиққа тенг бўлган миқдорда чегирмага рухсат беради. Бирок, чегирма солиқнинг ушбу бошқа давлатдан олинган даромад турларига тааллуқли, чегирма берилгунга қадар, ҳисобланган қисмидан ошмаслиги керак.

### 24-модда Камситмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий шахслари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ушбу бошқа Давлат миллий шахсларига айнаи бир хил шароитларда, шу жумладан, резиденцияга нисбатан солиниши мумкин бўлгандан ортиқ ҳар қандай солиқ ёки унга алоқадор мажбуриятларга, солиққа тортишдан кўра оғирроқ ва шунга ўхшаш ҳолларга дучор қилинмайдилар. Мазкур қоида, 1-модда қоидаларидан қатъий назар, бир ёки иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

2. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳеч бир Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилмайди ёки улар билан боғлиқ бўлган оғирроқ талабларга дуч келмайди ва солиққа, тортишдан бошқа оғирроқ ва шу каби, хусусан яшаш жойида тегишли давлатнинг фуқаролари уларга нисбатан талаблар нисбатан талаблар қўйилиши мумкин.

3. Доимий муассасага солиқ солиш шу Аҳдлашувчи бошқа давлатда худди шу фаолиятни турини амалга ошираётган корхоналарга солиқ солиш шу давлатда тортилгандан кам бўлмаслиги керак. Ушбу қоида Аҳдлашувчи Давлатни Аҳдлашувчи бошқа давлат резидентларига бериладиган фуқаролик ҳолати ёки оилавий мажбуриятлари сабабли солиққа тортиш мақсадлари учун, ҳар қандай шахсий имтиёзлар, имтиёзлар ва чегирмалар беришга мажбурлаш каби тушунилмайди.

4. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 7-банди, 12-модданинг 6-банди ва 13-модданинг 7-бандидаги қоидалар қўлланишидан ташқари ҳолларда, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўлайдиган фоизлари, роялти ва бошқа тўловлари бундай корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасини аниқлаш мақсадида, биринчи қайд этилган Давлат резидентига тўланганида қўлланиладиган бир хил шартлар асосида чегириб ташланади.

5. Мол-мулки тўлиқ ёки қисман бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлган ёки улар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган Аҳдлашувчи Давлат корхонасига биринчи қайд этилган Давлатда унинг шу каби корхоналарига қўлланиладиган ёки қўлланилиши мумкин бўлган ҳар қандай солиққа тортиш ёки унга алоқадор талаблардан бошқа ёхуд улардан оғирроқ солиққа тортиш ёки унга алоқадор талаб қўлланилмайди.

6. Фуқароларнинг ички солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинмаслиги ушбу модданинг қоидаларига биноан камситиш сифатида қаралмайди.

7. Ушбу модданинг қоидалари, 2-модданинг қоидаларига қарамай, ҳар қандай турдаги ва тавсифдаги солиқларга нисбатан қўлланилади.

### 25-модда Ўзаро келишув тартиби

1. Башарти шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ёки ҳар иккаласининг фаолияти унга мазкур Битимда назарда тутилганига мувофиқ келмайдиган

солиққа тортишга олиб келади ёки олиб келиши мумкин, деб ҳисобласа, у ушбу Давлатларнинг ички қонунчилигида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъий назар, ўз аризасини ўзи резидент бўлган Ахдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ёки унинг ҳолати Битимнинг 24-моддаси 1-бандига мувофиқ бўлса, ўзи миллий шахси бўлган Ахдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига тақдим этиши мумкин. Бу ариза мазкур Битим қоидаларига но-мувофиқ солиққа тортишга олиб келувчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида биринчи бор билдирилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида берилиши мумкин.

2. Ваколатли орган, башарти эътирозни асосли деб топса ҳамда ўзи эътирозни қониқтирадиган қарорга кела олмаса, масалани мазкур Битимга мувофиқ келмайдиган солиққа солишга йўл қўймаслик мақсадида бошқа Ахдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишиб ҳал этишга ҳаракат қилади. Ҳал қилинган ҳар қандай келишув Ахдлашувчи Давлатларнинг ҳар қандай чекловларига қарамай амалга оширилади.

3. Ахдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битимни талқин қилишда ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчиликлар ва иккиланишлар ўзаро келишув асосида ҳал қилишга ҳаракат қилдилар.

4. Ахдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъноларини тушунишда келишувга эришиш мақсадида бир-бирлари билан тўғридан-тўғри, шу жумладан, ўзлари ёки уларнинг вакиллари билан иборат қўшма комиссия доирасида алоқа қилишлари мумкин.

## 26-модда

### Ахборот алмашиш

1. Ахдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш учун ёки Ахдлашувчи Давлатларнинг солиққа тортишга доир ички қонунларидан мазкур Битимга зид келмайдиган даражада фойдаланиш мақсадида Ахдлашувчи Давлатлар ёки уларнинг маъмурий-ҳудудий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимияти номидан ундириладиган ҳар қандай турдаги ва таснифдаги солиқлар бўйича зарур ахборот билан алмашадилар. Ахборот алмашиш 1 ва 2-модда билан чекланмайди.

2. Ахдлашувчи Давлат томонидан 1-бандга мувофиқ олинган ҳар қандай ахборот, ушбу Давлатнинг ички қонунларига мувофиқ кўлга киритилган ахборот даражасида махфий ҳисобланади ва фақат аниқлаш ёки ундириш, мажбурий ундириш ёки суд орқали таъқиб этиш билан боғлиқ ёки мазкур Битим татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан апелляцияларни кўриб чиқиш билан боғлиқ шахслар ёки органлар (жумладан, судлар ва маъмурий органлар)га ошкор этилади. Бундай шахс ёки органлар ахборотдан фақат шундай мақсад учун фойдаланадилар. Улар ушбу ахборотни очик суд мажлисида ёки юридик қарорлар қабул қилиш чоғида ошкор этишлари мумкин. Юқорида келтириб ўтилганларга қарамай, қачонки ушбу маълумотлар ҳар икки давлат қонунчилигига мувофиқ бошқа мақсадларга фойдаланиш мумкин бўлган бўлса ва маълумотни тақдим этувчи давлат томонидан рухсат этилган ҳоллардагина Ахдлашувчи Давлатлар томонидан олинган маълумотлар бошқа мақсадлар учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

3. Ҳар қандай ҳолатда 1 ва 2-банд қоидалари Аҳдлашувчи Давлатлардан бирини қуйидагиларга мажбурловчи тарзда талқин қилинмайди:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунлари ёки маъмурия амалиётига зид маъмурий чоралар ўтказишга;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунлари ёки одатий маъмурий амалиётга мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этишга;

с) ҳар қандай савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касб сири ёки савдо жараёнини ошкор этувчи ёки ошкор этилиши Давлат сиёсатига (жамоат тартибига) зид келувчи ахборотни тақдим этишга.

4. Башарти бир Аҳдлашувчи Давлат томонидан ушбу моддага мувофиқ маълумот сўралган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлат бундан маълумот ўз солиқ мақсадлари учун зарур бўлмаса ҳам, сўралган маълумотни олиш учун ахборот тўплаш бўйича ўз тадбирларидан фойдаланиши лозим. Юқорида назарда тутилган мажбурият 3-банд қоидалари билан чекланган, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам, бундан чекловлар ички манфаатлар мавжуд эмаслиги сабабли маълумот тақдим этишни рад қилиш учун Аҳдлашувчи Давлатга ижозат берадиган тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

5. Ҳеч қандай ҳолларда 3-банд қоидалари, Аҳдлашувчи Давлатга ахборотни банк, бошқа молия муассасаси, агентликда ишлайдиган номзод ёки шахс томонидан ушлаб турилганлиги, ишончлилик қобилияти ёки бу бир шахснинг мулкӣ манфаатларига боғлиқ бўлганлиги сабабли маълумот беришдан бош тортишга рухсат бериш учун талқин қилинмайди.

## 27-модда

### Солиқларни йиғиш учун ёрдам

1. Аҳдлашувчи Давлатлар жами даромадларни йиғишда бир-бирларига қўмак берадилар. Ушбу қўмаклашув 1 ва 2-моддалар билан чекланмайди. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзаро келишув асосида ушбу модданинг қўлланилиш усулини белгилаб олишлари мумкин.

2. Ушбу моддада қўлланилган «Жами даромадлар» атамаси Битимга мувофиқ солиққа тортиш мумкин бўлган ҳар қандай миқдорни ва барча фоизлар, маъмурий жарималар ва шу миқдор билан боғлиқ йиғим ва атроф-муҳит ҳимояси учун йиғимларни билдиради.

3. Қачонки даромад, Аҳдлашувчи Давлатлар қонун-ҳужжатларига мувофиқ тарзда, бир шахс томонидан эгалик қилинса лекин у, айнан шу пайтда, ушбу давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ бу даромадини ҳимоя қила олмаса, бу даромадлар ушбу давлатнинг ваколатли органлари илтимосига мувофиқ, бошқа бир Аҳдлашувчи Давлат томонидан давлатнинг барча даромадлари таркибига йўналтирилади. Бу даромад, бошқа бир Аҳдлашувчи Давлатнинг даромадлари таркибидаги даромад бўлса ҳам, иккинчи Аҳдлашувчи Давлатнинг ўз қонун-ҳужжатларига мувофиқ тарздан йиғиб олинади.

4. Қачонки Аҳдлашувчи Давлатнинг барча даромадлари, шу давлат даромадини йиғимини таъминлаш мақсадида, қонунда кўзда тутилганидек, ҳимоя чораларини кўриш билан боғлиқ даромадга тааллуқли бўлса, ушбу давлат

ваколатли органлари талабига кўра, иккинчи Аҳдлашувчи Давлат томонидан ҳимоя чораларини кўриш мақсадида қабул қилинади. Худди даромадлар бошқа давлатнинг даромади бўлгани каби ўша вақтда бу каби чоралар қўлланилган бўлса ҳам иккинчи давлат, ўз давлатининг қонунларига мувофиқ, ушбу даромад бўйича ҳимоя чораларини кўради, даромад биринчи айтиб ўтилган давлатда татбиқ этилмайди ёки даромадни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан эгалик қилинади.

5. 3 ва 4-бандларнинг қоидаларига қарамай, 3 ва 4-бандларда қўлланилган ва Аҳдлашувчи Давлат томонидан қабул қилинган даромад ўз моҳиятига кўра шу давлат қонунларига мувофиқ, айнан шу давлатдаги, қўлланиладиган муддатларга ёки бирон-бир устуворликка эга бўлмайди. Бундан ташқари, 3 ва 4-бандларда келтирилган, Аҳдлашувчи Давлат томонидан тасдиқланган даромад, иккинчи Аҳдлашувчи Давлат қонунлари мувофиқ, ҳеч қандай устуворликка эга бўлмайди.

6. Бир Аҳдлашувчи Давлат даромадларининг мавжудлиги, амал қилиш муддати ёки миқдори кўрсатилган ҳужжатлари, бошқа бир Аҳдлашувчи Давлатнинг суд ёки маъмурий органларидан олдин тақдим этилмайди.

7. Бир Аҳдлашувчи Давлат томонидан сўров юборилгандан кейин ва иккинчи Аҳдлашувчи Давлат томонидан биринчи давлат талаб қилган барча даромадларни йиғиб унга тақдим этишидан олдин, тегишли даромадлар қуйидагича тўхтатилади:

а) талаб 3-банд қоидаларига мувофиқ бўлган ҳолатда, биринчи айтиб ўтилган давлатнинг барча даромадлари шу давлатнинг қонунларига биноан амалга оширилади ва айнан ўша вақтда, шу давлат қонунларига биноан, ўз маблағларини ҳимоя қилаолмайдиган шахс томонидан эгалик қилинади, ёки

б) талаб 4-банд қоидаларига мувофиқ бўлган ҳолатда, биринчи айтиб ўтилган давлатнинг барча даромадлари шу давлат даромадини йиғимини таъминлаш мақсадида, қонунда кўзда тутилганидек, ҳимоя чораларини кўриш билан боғлиқ даромадлардир.

биринчи айтиб ўтилган давлатнинг ваколатли органи бошқа давлатнинг ваколатли органига талаб тўғрисида дарҳол хабар қилади ва бошқа давлатнинг ихтиёрига кўра, биринчи айтиб ўтилган давлат унинг сўровини тўхта-тиб қўяди ёки қайтариб олади.

8. Ҳеч қандай ҳолда ушбу модданинг бандлари Аҳдлашувчи Давлатга қуйидаги мажбуриятларни юклайдиган тарзда татбиқ этилмайди:

а) ушбу ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунлари ва маъмурий амалиётига зид бўлган маъмурий чораларни кўриш;

б) давлат сиёсатига (жамият тартиб-қоидаларига) зид бўлган тадбирларни амалга ошириш ;

с) агар бошқа Аҳдлашувчи Давлат йиғиш ёки ҳимоя бўйича барча мақбул чораларни кўрмаган бўлса, вазиятга қараб, ушбу давлатнинг қонун ва маъмурий амалиётига мос ёрдам кўрсатиш;

д) бу давлат учун маъмурий юк бошқа Аҳдлашувчи Давлат кўрадиган фойдага номутаносиб бўлган вазиятларда ёрдам кўрсатиш.»

### 28-модда

#### Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари хизматчилари

Халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидаларига ёки махсус битимлар қоидаларига мувофиқ ушбу Битимдаги ҳеч нарса дипломатик ваколатхоналар ёки консуллик муассасалари ходимларининг солиқ имтиёзларига таъсир қилмайди.

### 29-модда

#### Имтиёзларни чеклаш

1. Мазкур Битимнинг бошқа қоидаларидан қатъий назар, агар ушбу имтиёзни олиш бевосита ёки билвосита равишда амалга оширилган ҳар қандай келишув ёки битимнинг асосий мақсадларидан бири бўлган деган ҳулосага келинса, ушбу Битимга мувофиқ, бу имтиёз даромад турига нисбатан берилмайди, агар бундай вазиятларда бу имтиёзни бериш ушбу Битимнинг тегишли қоидаларига мувофиқ ёки мос келиши аниқланмаса.»

2. Башарти бирон-бир шахсга, 1-бандга кўра, ушбу Битим бўйича имтиёз ман этилган бўлса, 1-бандда кўрсатилган битим ёки келишув бўлмаган тақдирда, ушбу шахснинг илтимосига биноан ва тегишли фактлар ва вазиятлар кўриб чиқилгандан кейин, агар бундай ваколатли органлар бундай имтиёзлар ушбу шахсга берилишини аниқласа, Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи бошқа кўринишида бундай имтиёзни тақдим этган бўлса ҳам, ушбу шахсни ушбу имтиёздан ёки маълум бир даромад турига нисбатан ҳар хил имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблайди. Талаб қилинган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи Аҳдлашувчи бошқа давлат резиденти томонидан, ушбу бандга биноан, қилинган сўровни рад этишдан олдин бошқа давлатнинг ваколатли органи билан маслаҳатлашади.

### 30-модда

#### Битим кучга кириши

1. Аҳдлашувчи Давлатлар ушбу Битимнинг кучга кириши учун ўз қонунларида талаб қилинадиган тартиб-таомиллар яқунланганлиги тўғрисида, дипломатик каналлар орқали, бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар. Битим сўнгги хабарнома олинган санадан кучга киради.

2. Мазкур Битимнинг қоидалари қўйидаги кучга эга бўлади:

а) тўланган ёки ҳисобланган суммалар бўйича манбада ушлаб қолинди-ган солиқларга нисбатан ёки Битим кучга кирган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январидан кейин, ва

б) бошқа солиқларга нисбатан, Битим кучга кирган йилдан бевосита кейин келадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан ёки ундан кейин бошланадиган солиққа тортиладиган йилларга нисбатан.



**31-модда****Битим амал қилишини тўхтатиш**

1. Мазкур Битим Ахдлашувчи Давлат томонидан унинг амал қилиши тўхтатилгунга қадар ўз кучида қолади. Ахдлашувчи Давлат ушбу Битим кучга кирган кундан бошлаб 5 йил ўтгандан кейин ҳар қандай тақвим йил туғашидан камида 6 ой олдин ёзма билдиришнома юбориш орқали дипломатик йўллар орқали бекор қилиниши мумкин.

2. Мазкур Битим қўйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:

а) тўланган ёки ҳисобланган суммалар бўйича манбада ушлаб қолинадиган солиқларга нисбатан ёки хабарнома берилган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январидан кейин, ва

б) бошқа солиқларга нисбатан, хабарнома берилган йилдан бевосита кейин келадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан ёки ундан кейин бошланадиган солиққа тортиладиган йилларга нисбатан.

УШБУНИ ТАСДИҚЛАГАН ҲОЛДА, ўзларининг тегишли Ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколатланган қўйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Самарқанд шаҳрида 2023 йил 6 июнда ўзбек, араб ва инглиз тилларида икки нусхада тузилди, ҳар бир матн бир хил кучга эга. Талқин қилинишда номутаносиблик бўлган ҳар қандай ҳолда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон  
Республикаси Ҳукумати ўртасида 2000 йил 7 июлда имзоланган  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон  
Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро  
келиб-кетиш шартлари тўғрисидаги битимга  
ўзгартиришлар киритиш ҳақида  
БАЁННОМА**

*Тошкент, 2022 йил 22 декабрь*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 14 апрелдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

2000 йил 7 июлда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисидаги Битимнинг (кейинги ўринларда — Битим) 15-моддаси қоидаларига асосланган ҳолда,

икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш, улар фуқароларининг саёҳатларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида,

бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида бўлиб туришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш истагида,

**қуйидагилар тўғрисида келишувга эришдилар:**

**1-модда**

Битимнинг 2-моддаси бўйича:

Биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир Томон давлатининг фуқаролари, доимий яшаш жойидан қатъи назар, ҳар бир 180 (бир юз саксон) календарь кунлик давр мобайнида жами 90 (тўқсон) календарь кун ичида, башарти уларнинг бўлиб туриш муддати Томон давлатининг Давлат чегарасини кесиб ўтган пайтдан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кундан ошмаса, вақтинча яшаш учун рухсатнома (вақтинчалик рўйхатдан ўтиш)сиз бошқа Томон давлатининг ҳудудига мазкур Баённоманинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган, уларнинг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида кирадилар, ундан чиқиб кетадилар, транзит ўтадилар, ҳаракатланадилар.»

Иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир Томон давлатининг фуқароси бошқа Томон давлатининг ҳудудида 30 (ўттиз) календарь кундан ортиқ бўлиб турган тақдирда, ушбу фуқаро у бўлиб турган Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ вақтинчалик яшаш учун бўлиб турган Томон давлатининг ваколатли органларидан рухсатнома олиши (вақтинча рўйхатдан ўтиши) лозим.»

Учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқарилсин.

**2-модда**

Битимнинг 3-моддаси биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар вақтинчалик яшаш учун рухсатнома олиш (вақтинчалик рўйхатдан ўтиш) тартибидан озод қилинадилар:».

**3-модда**

Битимнинг 4-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Бошқа Томон давлатининг ҳудудида жойлашган Томонлардан бирининг давлат объектларига хизмат кўрсатиш учун бошқа Томон давлати ҳудудига кирувчи, ундан чиқувчи ва бўлиб турувчи Томонлар давлатларининг фуқароларини Давлат чегараси орқали ўтказиш келишилган рўйхатлар бўйича миллий паспортлар ва хизмат гувоҳномалари асосида амалга оширилади.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган объектлар рўйхати мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида дипломатик каналлар орқали ноталар алмашинуви билан аниқланади.».

**4-модда**

5, 6, 7-моддалар чиқарилсин.

**5-модда**

В случае возникновения ситуации, которая, по мнению одной из Сторон, представляет собой угрозу вооруженного нападения со стороны третьих государств, Стороны незамедлительно проведут соответствующие консультации друг с другом как на двусторонней основе, так и в рамках международных организации, участницами которых они являются, с целью принятия мер, способствующих её мирному урегулированию.

### Статья 3

Стороны подтверждают обязательство не участвовать в каких-либо блоках или союзах, а также воздерживаются от участия в каких-либо действиях, направленных против другой Стороны.

Ни одна из Сторон не допускает, чтобы её территория и ресурсы были использованы в целях подготовки или осуществления агрессии или иных враждебных действий против другой Стороны, а также в ущерб государственному суверенитету, безопасности и территориальной целостности другой Стороны.

Стороны обязуются не допускать использование на своих территориях системы коммуникаций и другой инфраструктуры третьими государствами в целях подготовки или осуществления вооруженных действий против другой Стороны.

Стороны прилагают усилия для содействия урегулированию региональных конфликтов мирным путём/путём переговоров на основе общепризнанных норм международного права и прежде всего соблюдения и обеспечения суверенитета, территориальной целостности и нерушимости границ государств.

### Статья 4

С целью дальнейшего укрепления узбекско-казахстанского многогранного сотрудничества в духе братства, союзничества и стратегического партнерства Стороны учредили Высший межгосударственный совет, возглавляемый главами государств, который определяет стратегические направления развития союзнических отношений и рассматривает наиболее важные вопросы, связанные с общими интересами Сторон.

Положение о Высшем межгосударственном совете Республики Узбекис-

тан и Республики Казахстан является неотъемлемой частью настоящего Договора (приложение к настоящему Договору).

### **Статья 5**

Стороны тесно взаимодействуют в сферах внешней политики, обороны и безопасности.

В интересах координации внешней политики Стороны используют и совершенствуют механизм регулярных встреч прежде всего на высшем и высоком уровнях, в том числе с участием секретарей советов безопасности и министров иностранных дел двух государств.

Стороны укрепляют сотрудничество и взаимодействие в военно-технической сфере в целях укрепления обороноспособности двух государств.

### **Статья 6**

Стороны содействуют укреплению контактов и связей между парламентами, политическими партиями и общественными организациями двух государств.

### **Статья 7**

Стороны создают условия для углубления взаимной экономической кооперации путём создания совместных предприятий в различных секторах экономики, а также будут способствовать развитию на взаимовыгодной основе кооперации в таких сферах, как промышленность, транспорт и логистика, энергетика, фармацевтика, строительная отрасль.

Стороны в целях реализации индустриально-инновационной политики согласовывают мероприятия по рациональному размещению новых и модернизации действующих индустриальных мощностей на взаимовыгодной и равноправной основе.

Стороны укрепляют и наращивают торговый оборот между государствами, в том числе путём создания необходимых условий и развития межбанковского сотрудничества.

### **Статья 8**

Стороны продолжают сотрудничество на основе равноправия и взаимовыгодных отношений в энергетической сфере, в том числе нефтегазовой, электроэнергетической отраслях, в области возобновляемых источников энергии, в целях реализации совместных проектов, а также повышения энергоэффективности и конкурентоспособности национальных экономик, способствующих устойчивому развитию двух государств.

Стороны продолжают сотрудничество в целях реализации совместных проектов в нефтегазовой отрасли, в том числе путём строительства нефтеперерабатывающих объектов и трубопроводной инфраструктуры.

### Статья 9

Стороны создают благоприятные условия для инвестиционной деятельности, поощрения и защиты взаимных инвестиций.

Стороны создают благоприятные условия для предпринимательской и иной хозяйственной деятельности, содействуют развитию различных организационно-правовых форм объединений и прямых связей между юридическими лицами и другими субъектами экономического сотрудничества.

### Статья 10

Стороны предпринимают совместные меры по рациональному и взаимовыгодному использованию трансграничных водных ресурсов и эксплуатации водохозяйственных сооружений, а также внедрению водосберегающих технологий орошения.

### Статья 11

Стороны тесно взаимодействуют в обеспечении экологической безопасности, укрепляют сотрудничество в области предупреждения экологических катастроф, в том числе трансграничного характера, и борьбы с их последствиями, действуя в соответствии с двусторонними и многосторонними международными договорами, участниками которых они являются.

Стороны оказывают взаимную помощь в предупреждении и ликвидации на их территориях чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера, создающих угрозу для жизнедеятельности населения и территорий.

Стороны осуществляют взаимодействие по обмену опытом в части рекультивации полигонов твёрдо-бытовых отходов.

### Статья 12

Стороны тесно сотрудничают в целях обеспечения продовольственной безопасности путём повышения эффективности агропромышленного комплекса, организации совместных предприятий по производству сельхозпродукции, а также создания на своих территориях благоприятных условий, в том числе по упрощению процедур для транзитных перевозок сельскохозяйственных товаров, следующих на территорию одной из Сторон, в соответствии с международными договорами, участниками которых они являются.

### Статья 13

Стороны создают необходимые правовые, экономические и организационные условия для дальнейшего развития взаимосвязанной транспортной системы, которая нацелена на обеспечение благоприятной и взаимовыгодной транспортировки грузов и перевозки пассажиров, а также повышение транзитного потенциала транспортных коридоров.

При этом Стороны тесно сотрудничают в создании на своих территориях

благоприятных условий по упрощению процедур для транзитных перевозок товаров, происходящих с территории одной из Сторон, в соответствии с международными договорами, участницами которых они являются.

#### **Статья 14**

Стороны всемерно способствуют сохранению духовной и культурной близости народов двух стран, углублению взаимных связей в сфере науки, образования, медицины, спорта, культуры, культурного наследия, туризма, обмена информацией.

Стороны создают благоприятные условия для этнических узбеков, проживающих на территории Республики Казахстан и этнических казахов, проживающих на территории Республики Узбекистан, в деле сохранения и развития их родного языка, национальной культуры, традиций и обычаев.

Стороны обеспечивают условия для сохранения и укрепления общего культурно-гуманитарного пространства на основе исторически сложившихся связей и контактов между творческими союзами и объединениями, деятелями культуры, литературы, науки, образования и искусства.

#### **Статья 15**

Каждая из Сторон гарантирует защиту права собственности и имущества юридических и физических лиц другой Стороны на своей территории.

#### **Статья 16**

Стороны тесно взаимодействуют в деле укрепления атмосферы мира и согласия в регионе, продвигая взаимные интересы и идеи регионального сближения, а также проводят взаимовыгодное военное сотрудничество, направленное на обеспечение мира и безопасности в Центральной Азии.

Стороны считают Консультативные встречи глав государств Центральной Азии прерогативным механизмом для комплексного обсуждения и конструктивного решения вопросов общерегионального характера.

Стороны целенаправленно взаимодействуют над совершенствованием формата Консультативных встреч глав государств Центральной Азии в целях укрепления всестороннего сотрудничества и максимального задействования потенциала данной площадки при строгом уважении интересов всех государств-участников, а также содействуют достижению взаимоприемлемых решений по всему комплексу региональных аспектов самими государствами Центральной Азии на основе взаимного уважения интересов друг друга.

Стороны осуществляют тесное сотрудничество в рамках Международного фонда спасения Арала, являющегося региональной институциональной площадкой в решении водно-экологических проблем Центральной Азии, продолжают взаимодействие по восстановлению экологической системы Арала и районов Приаралья, а также в выработке и реализации международных и региональных проектов и программ, направленных на экологическое оздоров-

ление и социально-экономическое развитие территорий, в том числе подвергшихся влиянию Аральской катастрофы.

### **Статья 17**

Стороны взаимодействуют в вопросах разоружения и нераспространения всех видов оружия массового уничтожения и средств их доставки, в том числе в эффективном осуществлении Договора о нераспространении ядерного оружия (ДНЯО) и режима нераспространения во всех его аспектах.

Стороны, будучи убеждёнными в том, что зона, свободная от ядерного оружия, в Центральной Азии представляет собой важный шаг на пути к укреплению режима ядерного нераспространения, развитию сотрудничества в использовании ядерной энергии в мирных целях, развитию сотрудничества в экологической реабилитации территорий, пострадавших от радиоактивного заражения, и укреплению регионального и международного мира и безопасности, подтверждают свою приверженность положениям Договора о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии, подписанного в городе Семипалатинске 8 сентября 2006 года, и продолжат совместные усилия по дальнейшему укреплению безъядерного статуса Центрально-Азиатского региона.

### **Статья 18**

Стороны подтверждают свою приверженность дальнейшему укреплению центральной роли Организации Объединённых Наций в деле предотвращения и урегулирования конфликтов и решения региональных и глобальных проблем безопасности и стабильности.

### **Статья 19**

Стороны взаимодействуют при определении позиций по основным международным проблемам и вопросам, представляющим взаимный интерес, проводя соответствующие консультации.

Стороны подчеркивают обоюдное стремление к дальнейшему развитию взаимодействия в рамках Организации Объединённых Наций, Организации тюркских государств, Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии, Шанхайской организации сотрудничества, Организации исламского сотрудничества, Содружества Независимых Государств и других международных и региональных организаций и форумов.

### **Статья 20**

Стороны в соответствии со своими национальными законодательствами и международными обязательствами координируют и объединяют свои усилия для дальнейшего развития и углубления сотрудничества в противодействии

новым вызовам и угрозам безопасности, включая международный терроризм, религиозный экстремизм и сепаратизм, транснациональную организованную преступность, киберпреступность, нелегальную миграцию, торговлю людьми, незаконный оборот оружия, наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров.

Стороны сотрудничают в борьбе с незаконной миграцией, в том числе с незаконным перемещением физических лиц со своей территории и через неё.

Стороны стремятся к развитию отношений в сфере безопасной, упорядоченной и легальной трудовой миграции.

### **Статья 21**

Настоящий Договор не направлен против третьих государств и не затрагивает прав и обязательств Сторон, вытекающих из других двусторонних и многосторонних международных договоров, участниками которых они являются.

### **Статья 22**

В целях реализации положений настоящего Договора Стороны в случае необходимости заключают отдельные международные договоры в конкретных областях сотрудничества, представляющих взаимный интерес.

### **Статья 23**

Разногласия, возникающие при реализации настоящего Договора, разрешаются путём переговоров и консультаций между Сторонами.

### **Статья 24**

Настоящий Договор подлежит ратификации и вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящий Договор остаётся в силе до истечения двенадцати месяцев с даты, когда одна из Сторон получит по дипломатическим каналам письменное уведомление другой Стороны о своём намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Ташкенте 22 декабря 2022 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, казахском и русском языках, причём все тексты имеют одинаковую силу.

В целях толкования положений настоящего Договора Стороны будут обращаться к тексту на русском языке.

*(подписи)*

ПРИЛОЖЕНИЕ  
к Договору между Республикой Узбекистан  
и Республикой Казахстан о союзнических  
отношениях

**ПОЛОЖЕНИЕ**  
**о Высшем межгосударственном совете Республики Узбекистан**  
**и Республики Казахстан**

1. В соответствии с Декларацией о союзнических отношениях между Республикой Узбекистан и Республикой Казахстан от 6 декабря 2021 года Республика Узбекистан и Республика Казахстан (далее — Стороны) учредили Высший межгосударственный совет.

2. Высший межгосударственный совет является межгосударственным органом, контролирующим выполнение достигнутых договорённостей на высшем уровне.

3. Высший межгосударственный совет возглавляется главами государств.

4. Высший межгосударственный совет проводит свои заседания на регулярной основе в согласованные сроки, поочередно на территории каждой из Сторон.

5. Для решения неотложных вопросов по инициативе любой из Сторон могут созываться внеочередные заседания Высшего межгосударственного совета.

6. В заседаниях Высшего межгосударственного совета могут принимать участие главы и члены правительств и парламентов Сторон, а также приглашенные лица (по согласованию).

7. Высший межгосударственный совет по мере необходимости может создавать на постоянной или временной основе рабочие группы.

8. Председателем Высшего межгосударственного совета является Глава государства, на территории которого проходит очередная встреча, если главы государств не примут иного решения.

9. Высший межгосударственный совет осуществляет следующие функции:

рассматривает наиболее важные политические, экономические вопросы двусторонних отношений;

определяет основные направления развития и укрепления союзнических отношений;

определяет позицию по основным региональным и глобальным международным вопросам, представляющим взаимный интерес.

10. Решения и рекомендации Высшего межгосударственного совета принимаются на основе консенсуса.

11. Высший межгосударственный совет в своей деятельности руководствуется международными договорами, участницами которых являются обе Стороны, своими решениями и настоящим Положением.

12. Стороны самостоятельно несут расходы, связанные с участием своих делегаций в заседаниях Высшего межгосударственного совета. Принимаю-



шее государство создает необходимые организационные, информационные, материально-технические условия для проведения заседания Высшего межгосударственного совета.

13. Координация деятельности Высшего межгосударственного совета возлагается на Совет министров иностранных дел (далее — СМИД). Положение о СМИД утверждается решением Высшего межгосударственного совета.

СМИД рассматривает и одобряет проекты повестки дня, решений и итоговых документов, вносимых на принятие Высшим межгосударственным советом.

14. Принимаемые Высшим межгосударственным советом решения и документы составляются в двух экземплярах на узбекском, казахском и русском языках.

15. Рабочими языками Высшего межгосударственного совета являются узбекский, казахский и русский языки.

16. При необходимости Стороны по согласованию могут вносить предложения по изменениям и дополнениям в настоящее Положение.

Решения о внесении изменений и дополнений в настоящее Положение принимаются в заседании Высшего межгосударственного совета.

**Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик  
Республикаси ўртасида жиний ишлар бўйича ўзаро  
ҳуқуқий ёрдам тўғрисида  
ШАРТНОМА**

*Ханой, 2022 йил 14 ноябрь*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2024 йил 26 июндан кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Вьетнам Социалистик Республикаси, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,  
халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига амал қилиб,  
жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга интилиб,  
жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш заруриятини тан олган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда  
Ҳуқуқий ёрдам қўлами**

1. Томонлар мазкур Шартнома қоидалари ва амалдаги ўз миллий қонунчиликларига мувофиқ, жиноят ишлари юзасидан тергов қилиш, жиний таъқиб, ишни судда кўриш ва суд ишларини юритиш билан боғлиқ бошқа масалаларда бир-бирларига ўзаро кенг қўламдаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

2. Ҳуқуқий ёрдам қуйидагиларни ўз ичига олади:

- a) ҳужжатларни топшириш;
- b) гувоҳлар ва экспертларни чақириш;
- c) жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ далиллар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни олиш ва тақдим этиш;
- d) жиноят ишларини юритишни давом эттириш учун ўтказиш;
- e) сўралаётган Томонда қамоқда сақланаётган ёки бошқа шахсларни сўраётган Томонда тергов қилишда қўмаклашиш ёхуд кўрсатув бериш учун ҳозир бўлишини таъминлаш;
- f) жиний фаолиятдан олинган даромадлар ва (ёки) жиноят қуролларини қидириб топиш, чеклаш, ишга солмай тўхтатиб қўйиш, олиб қўйиш ёки мусодара қилиш чораларини кўриш;
- g) ахборот алмашиш;
- h) шахслар ва ашёларни ва уларнинг турган жойини аниқлаш;
- i) тинтув ўтказиш ва хатлаш;
- j) мазкур Шартнома доирасида сўралаётган Томоннинг қонунчилигига зид бўлмаган ёрдамнинг бошқа шакллари.

3. Мазкур Шартнома қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- a) шахсни ушлаб бериш ёки ушбу шахсни ушлаб бериш мақсадида ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш;

б) сўраётган Томонда чиқарилган ҳукми сўралаётган Томонда ижро қилиш, сўралаётган Томон миллий қонунчилиги ва мазкур Шартномада рухсат этилган ҳолатлар бундан мустасно;

с) маҳкумларни жазони ўташ учун топшириш.

## **2-модда** **Марказий орган**

1. Қуйидагилар мазкур Шартномага мувофиқ жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг барча масалалари бўйича Марказий органлар ҳисобландилар:

Ўзбекистон Республикаси учун — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Вьетнам Социалистик Республикаси учун — Вьетнам Социалистик Республикаси Олий халқ прокуратураси.

2. Ҳар бир Томон ушбу модданинг 1-бандида белгиланган ўзининг Марказий органи ўзгариши тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилади.

3. Марказий органлар мазкур Шартномани амалга оширишда бир-бири билан бевосита, шу жумладан, факс, электрон почта ва бошқа алоқа шакллари орқали алоқа қилдилар. Зарур ҳолларда, Томонлар дипломатик каналлар орқали алоқа қилишлари мумкин.

## **3-модда** **Сўров шакли ва мазмуни**

1. Ёрдам тўғрисидаги сўров қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) сўровни юбораётган органнинг номи ва манзили;

б) сўров юборилаётган органнинг номи ва манзили;

с) сўровга алоқадор бўлган шахснинг исми ва агар мавжуд бўлса, унинг доимий яшаш ёки иш жойи, юридик шахс ёки ташкилот ёки унинг бош офисининг расмий номи ва манзили;

д) сўралаётган ёрдам тавсифи, сўров мақсади, ишнинг хусусияти ва у билан боғлиқ фактлар, сўраётган Томоннинг татбиқ этиладиган қонунининг моддалари ва қўлланиладиган жазо, ишнинг жорий ҳолати ва сўров ижро этилиши лозим бўлган муддат.

2. Сўров қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) ишга алоқадор бўлган ёки сўралаётган маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган шахсларга доир бошқа маълумотлар, шу жумладан уларнинг туғилган жойи ва санаси, фуқаролиги, машғулоти, турган жойи ва процессуал мақоми;

б) сўроқда аниқлаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар, сўраладиган саволлар рўйхати ва далиллар тақдим этиш тўғрисидаги сўровда сўралаётган ҳужжатлар, ёзма ёки ашёвий далиллар тавсифи, зарур ҳолатларда, бундай ҳужжат, ёзма ёки ашёвий далилларни тақдим этиши лозим бўлган шахс тавсифи ва унинг шахсига доир маълумот;

с) вазифалар хусусияти, чақирилаётган гувоҳ ёки эксперт учун саволлар ва талаблар рўйхати;

d) жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, ашёлар ва жиноят қуролларини қидириб топиш, тинтув ўтказиш, хатлаш, чеклаш, ишга солмай тўхтатиб қўйиш ёки мусодара қилиш тўғрисидаги сўровда қидириладиган мол-мулк ёки бинонинг тавсифи, сўровга алоқадор қарор ва (ёки) ҳукми ижро этишга оид жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, ашёлар ва жиноят қуроллари сўралаётган Томонда эканлиги ва сўраётган Томон юрисдикциясида эканлигини тасдиқловчи асослар;

e) жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, ашёлар ва жиноят қуролларини аниқлаш ёки хатлашда қўлланилиши самарали бўлиши мумкин бўлган чоралар;

f) агар мавжуд бўлса, жиноят оқибатида етказилган зарар миқдори ҳақидаги маълумот;

g) сўраётган Томон сўровни бажаришда амал қилиниши лозим деб топган талаблар ёки процедуралар, шу жумладан ахборот, далиллар, ҳужжатлар ёки ашёлар тақдим этилиш шакли ёки усули;

h) талаб этиладиган махфийлик даражаси ва бунинг сабаблари;

i) сўровни сўралаётган Томон қонунчилигига биноан бажариш жараёнида ҳозир бўлиш мақсадида сўралаётган Томон ҳудудига ташриф қилишни мақсад қилган сўраётган Томоннинг ваколатли ходим(лар)и ташрифининг мақсади, кўзланган вақти ва жадвали;

j) сўровни бажариш учун зарур бўлган ҳукмлар ёки қарорлар ва бошқа ҳужжатлар, ашёлар ёки маълумотлар.

3. Агар сўралаётган Томон сўровдаги маълумот мазкур Шартномага мувофиқ ушбу сўровни бажаришга етарли эмас деб топса, ёзма равишда қўшимча маълумотни талаб қилади ва бундай қўшимча маълумотни олиш муддатининг мақбул вақтини белгилайди.

4. Сўров ёзма шаклда бўлиши лозим. Шошилинич ҳолатларда ва сўралаётган Томон розилиги билан, у бошқа шаклда бўлиши мумкин, бироқ кейин қисқа муддатларда ёзма шаклда тасдиқланиши лозим.

5. Сўров ва унга илова қилинган ҳужжатлар сўраётган Томоннинг тилида бўлиши ва сўралаётган Томон тилига ёки инглиз тилига ёхуд рус тилига таржимаси билан бирга тақдим қилиниши лозим.

#### 4-модда

#### Ёрдам кўрсатишни рад этиш ёки кечиктириш

1. Мазкур Шартномага мувофиқ ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

a) сўров сўралаётган Томон аъзо бўлган халқаро шартномага ёхуд сўралаётган Томон миллий қонунчилиги қоидаларига зид бўлса;

b) сўровни бажариш сўралаётган Томоннинг суверенитети, миллий хавфсизлиги, жамоат тартиби ёки бошқа муҳим манфаатларига путур етказадиган бўлса;

c) агар шахснинг сўралаётган Томонда ҳукм этилган, оқланган ёки афв этилган жиноий қилмиши юзасидан жиноий таъқибни амалга ошириш билан боғлиқ сўров бўлса;

d) агар сўров сўралаётган Томон миллий қонунчилигига кўра, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган жиноятга доир бўлса;

е) сўров сўралаётган Томон миллий қонунчилигига кўра жиноят ҳисобланмайдиган қилмишга доир бўлса.

2. Агар сўровнинг ижро этилиши сўралаётган Томон ҳудудида олиб борилаётган тергов, жиноий таъқиб, суд муҳокамаси ёки ҳукм ижросига тўсқинлик қилса, сўралаётган Томон ёрдам кўрсатилишини кечиктириши мумкин.

3. Ушбу моддага кўра, сўровни бажаришни рад этиш ёки кечиктиришдан олдин, сўралаётган Томон:

а) сўраётган Томонни ҳар қандай рад этиш ёхуд кечиктириш сабаблари тўғрисида хабардор қилиши; ва

б) сўралаётган Томон зарур деб ҳисоблаган шартларда ёрдам кўрсатиш мумкинлигини аниқлаш мақсадида сўраётган Томон билан маслаҳатлашиши лозим.

4. Агар сўраётган Томон ушбу модданинг 3-банди «б» кичик бандида белгиланган шартларда ёрдам кўрсатилишига рози бўлса, мазкур шартларга амал қилинади.

### **5-модда**

#### **Сўровни ижро этиш**

1. Сўралаётган Томон сўровни ўз миллий қонунчилигига мувофиқ, сўралаётган Томон сўраган тартибда, башарти бу унинг қонунчилигига зид бўлмаса, зудлик билан ижро этади.

2. Сўраётган Томоннинг сўровига кўра, сўралаётган Томон сўраётган Томонни ёрдам тўғрисидаги сўровни ижро этиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади.

3. Сўралаётган Томон сўров ижро этилишининг кечикишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида сўраётган Томонни зудлик билан хабардор қилади.

4. Сўралаётган Томоннинг Марказий органи сўраётган Томоннинг Марказий органини сўров ижроси натижалари ҳақида дарҳол хабардор қилади.

### **6-модда**

#### **Ҳужжатларни топшириш**

1. Сўралаётган Томон, ўз миллий қонунчилиги қоидаларидан келиб чиқиб, ҳужжатларни топшириш тўғрисидаги сўровни зудлик билан ижро этади.

2. Шахснинг ҳозир бўлишини талаб қилувчи ҳужжатни топшириш тўғрисидаги сўров сўралаётган Томонга ушбу шахс сўраётган Томонда ҳозир бўлиши керак бўлган муддатдан тўқсон (90) кун аввал юборилади. Шошилиш ҳолатларида, сўралаётган Томон бундай талабни бекор қилиш мумкин.

3. Сўралаётган Томон сўраётган Томонга ҳужжатни топширганлиги тўғрисида тасдиқни юборади. Агар ҳужжатларни топшириш имкони бўлмаса, сўраётган Томон бунинг сабаблари ҳақида хабардор қилинади.

### 7-модда

#### Хужжатлар ва ахборот билан таъминлаш

1. Сўралаётган Томон жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамга доир ҳужжатлар, ёзувлар ёки ахборотларнинг нусхалари билан таъминлайди, сўраётган Томон уларнинг аслини талаб қилган ҳолатлар мустасно.

2. Сўралаётган Томон ҳужжат, ёзув ёки ахборотнинг нусхаларини ўзининг ваколатли органларига тақдим этилиши лозим бўлган шаклда ва шартларда тақдим этади.

3. Сўраётган Томон, агар сўралаётган Томон буни талаб қилса, мазкур Шартномага мувофиқ унга тақдим этилган ҳужжатлар, ёзувлар ҳамда материалларни, сўровда кўрсатилган жиноят иши учун зарурияти қолмаган тақдирда, қайтаради.

### 8-модда

#### Тинтув ўтказиш ва хатлаш

Сўралаётган Томон ўз миллий қонунчилиги доирасида сўраётган Томонга топшириш учун жиноят ишларига алоқадор ҳужжатлар, ёзувлар ёки ашёларни қидириб топиш учун тинтув ўтказиш ёки хатлаш тўғрисидаги сўровни бажаради. Ушбу ҳолатда, инсофли эгалловчи бўлган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари эътироф этилади ва ҳимоя қилинади.

### 9-модда

#### Сўралаётган Томон ҳудудида кўрсатув ва далилларни олиш

1. Сўралаётган Томон сўровга асосан ва ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ шахслардан далиллар ёки кўрсатувлар олади ёки улардан сўраётган Томонга топшириш учун ҳужжатлар, ёзувлар ёхуд ашёвий далилларни тақдим қилишни талаб қилади.

2. Мазкур моддага мувофиқ сўралаётган Томонда кўрсатув бериш учун чақирилган шахс қўйидаги ҳолларда кўрсатув беришдан бош тортиши мумкин:

а) сўралаётган Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ, сўралаётган Томонда олиб бориладиган шу каби ҳолатларда ушбу шахс кўрсатув беришдан бош тортишига рухсат этилса ёки талаб қилинса; ёки

б) сўраётган Томоннинг қонунчилигига мувофиқ, сўраётган Томонда олиб бориладиган шу каби ҳолатларда ушбу шахс кўрсатув беришдан бош тортишига рухсат этилса ёки талаб қилинса.

3. Агар сўралаётган Томон ҳудудидаги шахс сўраётган Томон миллий қонунчилигига биноан кўрсатув беришни рад этиш ҳуқуқи ёки мажбурияти мавжудлиги тўғрисида даъво қилса, сўраётган Томоннинг Марказий органи сўралаётган Томоннинг Марказий органига бундай ҳуқуқ ёки мажбуриятнинг мавжудлигини тасдиқловчи ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятнинг расмий ҳужжати тақдим этади.

4. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан кўрсатувлар олиш мақсадида видеоконференцалоқадан фойдаланилиши мумкин.

### 10-модда

#### Сўраётган Томонда ҳозир бўлиш

1. Сўраётган Томоннинг сўровига кўра, башарти бунда шахс хавфсизлигининг зарурий кафолати таъминланса, сўралаётган Томон ушбу шахсни сўраётган Томон ҳудудида терговга кўмаклашиш ёки кўрсатув бериш учун таклиф этади.

2. Таклиф этилган шахс сўраётган Томонда тўланадиган харажатлар ёки тўловлар тўғрисида хабардор қилинади.

3. Сўралаётган Томон сўраётган Томонни ушбу шахснинг қарори тўғрисида хабардор қилади.

### 11-модда

#### Маҳкумларни сўраётган Томонда ҳозир бўлиш учун вақтинча ўтказиш

1. Сўралаётган Томон ҳудудидаги маҳкум, сўраётган Томоннинг сўровига асосан, сўраётган Томон ҳудудида терговга кўмаклашиш ёки кўрсатув бериш учун вақтинча ўтказилиши мумкин.

2. Сўралаётган Томон маҳкумни сўраётган Томонга қуйидаги ҳолларда ўтказди:

а) ушбу шахс терговга кўмаклашиш ёки кўрсатув бериш учун ўтказилишга рози бўлса; ва

б) сўраётган Томон сўралаётган Томон талаб қилган махсус шартларга, шу жумладан ўтказилаётган шахснинг қамоқда сақланиши ва хавфсизлигига доир талабларга риоя этишга рози бўлса.

3. Сўралаётган Томон ўтказилган шахснинг бундан кейин қамоқда ушлаб туриш зарурияти йўқлиги тўғрисида сўраётган Томонга хабар қилса, ушбу шахс озод қилинади ва унга нисбатан мазкур Шартнома 10-моддасининг қоидалари қўлланилади.

4. Мазкур моддага биноан ўтказилган шахс, Томонлар унинг сўраётган Томонга ўтказилишидан ёки ушбу шахснинг ҳозир бўлиши ортиқ талаб этилмаслигидан олдин ўзаро келишилган усулда сўралаётган Томонга қайтарилди. Шахснинг ўтказилиш вақти ва сўраётган Томонда қамоқда сақлаб турилган давр унинг жазони ўташ муддатига кўшилади.

### 12-модда

#### Хавфсизлик кафолати

1. Сўраётган Томонда мазкур Шартноманинг 10 ва 11-моддаларида баён этилган сўровга кўра ҳозир бўлган шахс:

а) сўраётган Томонда сўралаётган Томон ҳудудини тарк этгунига қадар содир этган ҳар қандай қилмиши учун қамоққа олиниши, жиноий жавобгар-

ликка тортилиши ёки жазоланиши, шунингдек фуқаролик даъвосига жалб этилиши мумкин эмас, башарти сўраётган Томонда ушбу шахснинг иштирокисиз мазкур даъво қўзғатилиш имкони бўлмаса;

б) ушбу шахснинг розилигисиз, сўровда кўрсатилган жиноят ишидан бошқа ҳар қандай жиноят процессида кўрсатув беришга ёки терговга қўмаклашишга жалб этилиши мумкин эмас.

2. Агар шахс тарк этиш эркинлигига эга бўла туриб, сўраётган Томон ҳудудини бундан буён ҳозир бўлишига зарурат йўқлиги тўғрисида хабар олган кундан бошлаб ўн беш (15) кун ичида тарк этмаса ёки тарк этиб, ихтиёрий равишда қайтиб келса, унга нисбатан мазкур модданинг 1-бандида белгиланган қоидалар амал қилиши тўхтайди.

3. Мазкур Шартноманинг 10 ёки 11-моддаларига мувофиқ терговга қўмаклашиш ёки кўрсатув беришга розилик бермаган шахсга нисбатан сўраётган Томон ёки сўралаётган Томонда ҳар қандай жазо ёки мажбурлов чораларни қўллаш мумкин эмас.

4. Мазкур Шартноманинг 10 ёки 11-моддаларига мувофиқ терговга қўмаклашиш ёки кўрсатув беришга розилик берган шахс ўзи берган кўрсатувлари учун жиноий таъқибга дучор этилиши мумкин эмас, ёлгон кўрсатувлар бериш ҳолати бундан мустасно.

### 13-модда

#### **Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ва жиноят қуроллари**

1. Сўралаётган Томон, сўровга асосан, тегишли жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ва (ёки) жиноят қуроллари унинг ҳудудида турганлигини аниқлаш чораларини кўради ва бунинг натижалари ҳақида сўраётган Томонга хабар беради.

2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ва (ёки) жиноят қуроллари аниқланганда, сўралаётган Томон ўз миллий қонунчилиги доирасида бундай жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ва (ёки) жиноят қуроллари нозорат қилиш ёки мусодара қилиш чораларини кўради. Сўралаётган Томон ўз миллий қонунчилиги мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ва (ёки) жиноят қуроллари сўраётган Томонга қайтариши мумкин. Бундай жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ва (ёки) жиноят қуроллари қайтариш сўраётган Томоннинг суди ёки бошқа ваколатли органи томонидан чиқарилган якуний қарор мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

3. Мазкур моддани қўллашда, инсофли эгалловчи бўлган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари сўралаётган Томон миллий қонунчилигига мувофиқ эътироф этилади ва ҳимоя қилинади.

4. Мазкур Шартнома мақсадларида «жиноий фаолиятдан олинган даромадлар» атамаси жиноят содир этилиши орқали бевосита ёки билвосита қўлга киритилган ёки эгаллаб олинган ҳар қандай ашёлар ёки активлар тушунилади ва «жиноят қуроллари» атамаси эса бир жиноят содир этилишида фойдаланилган, фойдаланилаётган ёхуд фойдаланиш мўлжалланган ҳар қандай мулкни англатади.



**14-модда****Шахслар ёки ашёларни ёки уларнинг турган жойини аниқлаш**

Агар сўраётган Томон шахсларнинг турган жойини ёки уларнинг шахсини аниқлаштиришни ёхуд сўралаётган Томон ҳудудида бўлган ашёлар ҳақида маълумот тақдим этишни сўраса, сўралаётган Томон ўз миллий қонунчилиги доирасида сўровни ижро этиш учун барча зарурий чораларни кўради.

**15-модда****Махфийликни муҳофаза қилиш ва маълумотлардан фойдаланишни чеклаш**

1. Сўралаётган Томон тақдим этилган маълумот ёки далилларнинг ёхуд бундай маълумот ёки далиллар манбаларини махфийликда сақлашни талаб қилиш мумкин. Ошкор этиш ёки фойдаланиш талаб қилинган шартларга мувофиқ бўлиши лозим.

2. Сўраётган Томон ёрдам тўғрисидаги сўровнинг мазмунини ва унга илова қилинган ҳужжатларни махфийликда сақлашни талаб қилиши мумкин. Башарти ушбу сўровни махфийликни бузмаган ҳолда ижро қилишнинг имкони бўлмаса, сўралаётган Томон сўровни ижро этишдан олдин сўраётган Томонни бу ҳақида хабардор қилади. Сўраётган Томон эса ўз навбатида сўровни тўла ёки қисман ижро этиш ёки этмаслик масаласини ҳал қилади.

3. Сўраётган Томон тақдим этилган маълумот ёки далилларнинг йўқолиши, рухсатсиз олинishi, ўзгартирилиши ва ошкор этилиши ёки ўзгача фойдаланилишдан ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

4. Сўралаётган Томоннинг олдиндан олинган ёзма розилигисиз сўраётган Томон мазкур Шартномага мувофиқ тақдим этилган маълумот ёки далилларни сўровда кўзда тутилгандан бошқа мақсадларда фойдаланмайди ёки ошкор этмайди.

**16-модда****Жиноят ишини жиноий таъқибни давом эттириш учун ўтказиш**

1. Ҳар бир Томон, бошқа Томон ўз ҳудудида жиноий таъқибни амалга ошириши учун, ушбу Томонга унинг юрисдикциясига доир жиноий ҳуқуқбузарликни ташкил этувчи фактлар билан боғлиқ маълумотни тақдим қилиши мумкин.

2. Сўралаётган Томон сўраётган Томонни кўрилган барча ҳаракатлар ҳақида ва зарурият бўлганда, бундай маълумот асосида олиб борилган жиноий таъқиб натижалари тўғрисида хабардор қилади. Сўраётган Томон сўровига кўра якуний қарор нусхаси юборилиши лозим.

### 17-модда

#### Сертификатлаш ёки ҳақиқийлигини тасдиқлаш

1. Мазкур Шартнома доирасида, сўров, унга илова қилинган ҳужжатлар ва сўровга жавобан тақдим этилган ҳужжатлар ёки материаллар учун сертификатлаш ёки ҳақиқийлигини тасдиқлаш талаб қилинмайди.

2. Муайян ҳолатларда, сўралаётган Томон ёки сўраётган Томон ҳужжатлар ёки материалларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни талаб қилганда, мазкур ҳужжатлар ёки материаллар ушбу модданинг 3-бандида белгиланган тартибда ҳақиқийлиги тасдиқланади.

3. Мазкур Шартнома мақсадларида ҳужжатлар ёки материаллар ваколатли орган мансабдор шахси томонидан имзоланган ва юбораётган Томон қонунларига мувофиқ мазкур органнинг расмий муҳри қўйилганда, тасдиқланган ҳисобланади.

### 18-модда

#### Вакиллик ва харажатлар

1. Агар мазкур Шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўралаётган Томон сўровнинг ижро этиш даврида сўраётган Томон манфаатларини ифодалайди.

2. Агар Томонларнинг ўзаро келишувига кўра бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сўралаётган Томон ёрдам тўғрисидаги сўровнинг ижро этилиши билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди, сўраётган Томон эса қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

а) сўралаётган Томон ҳудудига ёки унинг ҳудудидан бирор бир шахсни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва шахснинг сўровга асосан мазкур Шартноманинг 10 ва 11-моддалари қоидаларига биноан сўраётган Томон ҳудудида бўлиш даврида тўланиши лозим бошқа тўловлар ва харажатлар;

б) ҳибсда сақланаётган шахсларни ўтказиш ва уларни кузатиб боровчи ходимларга тўланадиган харажатлар;

с) экспертга тўланадиган харажатлар;

д) ҳужжатларни ёзма ва оғзаки таржима қилиш, нусха олиш ҳамда видеоконференцалоқа ёки бошқа электрон воситалар орқали далиллар олишга доир харажатлар;

е) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қайтариш билан боғлиқ харажатлар;

ғ) сўралаётган Томон сўровига кўра, сўровни ижро этиш мобайнида келиб чиқувчи кўзда тутилмаган бошқа харажатлар.

### 19-модда

#### Бошқа халқаро келишувларга муносабат

Мазкур Шартнома бир Томонни бошқа Томонга улар иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатишига тўсқинлик қилмайди.

**20-модда**  
**Маслаҳатлашувлар**

Томонлар мазкур Шартномани самарали амалга ошириш мақсадида ўзаро келишиб олинган муддатларда бир-бирлари билан маслаҳатлашувлар ўтказадилар. Томонлар, шунингдек, мазкур Шартномани амалга оширишда зарур бўлган амалий чоралар борасида ҳам келишиб олишлари мумкин.

**21-модда**  
**Низоларни ҳал этиш**

Мазкур Шартномани талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган барча низолар Томонларнинг ўртасида маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилинади.

**22-модда**  
**Ўзгартиришлар**

Мазкур Шартномага Томонларнинг ўзаро розилиги билан алоҳида баённомалар шаклида расмийлаштириладиган ва Шартномада белгилаб қўйилган тартибда кучга кирадиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**23-модда**  
**Кучга кириши ва тугатилиши**

1. Мазкур Шартнома:

а) ратификация қилинади ва Шартномани ратификация қилишга доир давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисидаги сўнгги хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан сўнг ўттизинчи (30) кун кучга киради;

б) унинг кучга кирганидан сўнг қилинган сўровларга нисбатан татбиқ этилади, гарчи тегишли қилмиш ундан олдин содир этилган бўлса ҳам.

2. Ҳар бир Томон ёзма хабарнома юбориш орқали мазкур Шартноманинг амал қилишини тугатиши мумкин. Мазкур Шартноманинг амал қилиши бундай хабарнома бошқа Томон тарафидан олинган санадан бошлаб олти (6) ойдан сўнг тугайди.

3. Тугатилган тақдирда, мазкур Шартнома унинг амал қилиши тугатилгунга қадар берилган сўровларга нисбатан татбиқ этилади.

УШБУНИ ТАСДИҚЛАГАН ҲОЛДА, тегишли тартибда ваколатланган қуйида имзо чекувчилар, мазкур Шартномани имзоладилар.

Ханой шаҳрида 2022 йил 14 ноябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, вьетнам ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир. Мазкур Шартномани талқин қилишда ёки қўллашда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ  
ТЎПЛАМИ  
СБОРНИК  
МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Расмий нашр  
Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник  
международных договоров Республики Узбекистан. 1-2 (81-82)-сон, 2024 й.  
— 124 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 й.

**Таҳрир ҳайъати:**

Мусаев Акбар Мухидинович  
Ахмедов Музаффар Муроджонович

**Компьютерда саҳифаловчи:**

Қурбонбоев Шерзод Шамуратович

---

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.  
100060, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.  
тел.: (71) 233-38-08, (71) 233-28-18.

---

Бичими 70x108 1/16.,  
Ҳажми 7,75 б.т. Индекс: 949.

---